O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Kuch — adolatda

Adolat

Ozbekiston Respublikasi ijtimoiy-siyosiy va xuquqiy gazetazi

1995 yildan chiqa boshlagan ☼ 2001 yil 5 yanvar ☼ juma ☼ №1 (288) ☼ sotuvda erkin narxda

• Бизнинг аждодларимиз ҳамиша узоқни кўзлаб яшаган. Миллат, Ватан, халқ истиқболи деган муқаддас тушунчалар ҳамма вақт қалбимизнинг тўридан жой олиб, ҳар биримизнинг ҳаётимизда, онгимизда чарх уриб туриши даркор.

Фарзандларимиз, келажак авлодлар биздан шу ўлкани, шу муқаддас заминни яна ҳам бой, кучли ва қудратли ҳолатда қабул қилиб олишлари учун, биз буюк аждодларимизга нисбатан қандай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этаётган бўлсак, ўғил-қизларимиз, келажак авлодлар ҳам бизга нисбатан шундай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этишлари учун лозим бўлган ҳамма ишни қилиш – бизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Ислом КАРИМОВ.

КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг навбатдаги мажлисида назорат органларининг келгуси йилги фаолиятини режалаштириш масалалари кўриб чиқилди. 2001 йилда Республика кенгаши томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг назоратини тартибга солиш масалаларига доир Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Президент Фармонларининг сўзсиз ижросини таъминлаш, назоратчиларнинг хўжаликлар фаолиятига асоссиз аралашувига йўл қўймаслик юзасидан ўрнатилган назоратнинг кучайтирилиши таъкидланди.

Кенгаш йиғилишини унинг раиси — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов олиб борди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Азимов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г. Саидова иштирок этди.

Назорат органлари томонидан 2001 йилда ўтган йилга нисбатан текширувлар сонини учдан бир қисмга қисқартириш кўзда тутилган, айни пайтда Кенгаш уларга ўз режаларини қайта кўриб чиқиш ва мўлжалланган текширувлар сонини янада қисқартириш вазифасини топширди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувлари аҳамиятини кучайтириш тўғрисидаги қарорига мувофиқ тегишли солиқ идораларига ижобий аудиторлик хулосаларини топширган хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти текширилмайди. Шунга асосан 2001 йил режа-жадвалидан бундай хўжаликларни текшириш ҳақидаги банд олиб ташланди. Хўжалик юритувчи субъектлар жорий йил давомида ўтган икки йил бўйича аудиторлик ташкилотларнинг ижобий хулосаларини тақдим этган тақдирда текширувлар режа-жадвалига тегишли тузатишлар киритилади.

Кенгаш 2001 йилга мўлжалланган вазифаларини ҳам белгилаб олди. Шунингдек, аввал қабул қилинган қарорлар ижроси ҳақидаги ахборот тингланди, текширувларни тартибга солиш ва мувофиқлаштиришга оид бошқа масалалар кўриб чиқилди, уларнинг ҳар бирига доир қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

2001 йил — Оналар ва болалар йили

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Янги, 2001 йил муносабати билан энг эзгу тилакларимни йўллайман.

Коичиро МАЦУУР,
ЮНЕСКО Бош директори.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Янги йил муносабати билан энг эзгу истакларимни йўллайман.

«JETRO» компанияси бундан буён ҳам Сизнинг мамлакатингизга технологиялар ва сармоя жалб этиш борасида қатъият билан ишлайверади, деб Сизни ишонтиради.

Нобору ХАТАКЕЯМА,
Компания Раиси.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Янги, 2001 йил муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Сизга чин қалбдан муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик, омонлик ва бахт-саодат тилашга ижозат бергайсиз.

Камоли эҳтиром ила
Т. АНОДИНА,
Давлатлараро Авиация қўмитаси Раиси.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизни Украина халқи ва шахсан ўз номимдан Янги, 2001 йил билан сидқидилдан муборакбод этаман.

Ниҳояланган йил украин-ўзбек дўстона муносабатларини мустаҳкамлашда эришилган янги ютуқлар билан ёдда қолади. Бу жараённи Сиз билан бизнинг шахсий саъй-ҳаракатларимиз туфайли ҳам фаоллаштиришга муваффақ бўлинди, деб ишонч билдирсам хато қилмайман, деб ўйлайман.

Украина билан Ўзбекистон ўртасидаги самарали ҳамкорлик бундан буён ҳам халқларимизнинг фаровонлиги йўлида жадал ривожланиб, мустаҳкамланиб бораверишига ишончим комил.

Жаноб Президент ва азиз дўстим, Сизга, қариндошларингиз ва яқин кишиларингизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва омонлик тилайман.

Камоли эҳтиром ила,
Леонид КУЧМА,
Украина Президенти

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Янги йил муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз. Сизга чин дилдан муваффақиятлар, бахт-саодат ва омонлик тилайман.

Роберт КОЧАРЯН,
Арманистон Республикаси Президенти.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Байрамларингиз тинчлик, меҳр-муҳаббат, саодат ила серфайз бўлиб, Янги йил Сизга кўпдан-кўп қувонч бахш этсин.

Лоуренс КЕМБРИ,
«Ньюмонт Майнинг Корпорейшн» компанияси президенти

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!

Сизни кириб келаётган Янги, 2001 йил ва янги минг йилликка қадам қўйилиши муносабати билан ўз номимиздан ҳамда «Сименс» акциядорлик жамияти номидан самимий муборакбод этамиз.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, хушкайфият, оилавий бахт, ишингизда улкан муваффақиятлар, шунингдек, бутун Ўзбекистон Республикаси халқига тинчлик ва равнақ тилаймиз.

Камоли эҳтиром ила,
Дитер ШАРФФ, Райнер КЕНИТСХАЙМ

Партия ва ҳаёт

АДОЛАТНИНГ ЙЎЛЛАРИ ОЙДИН

XXI асрнинг биринчи йилида, февраль ойида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси роппароса олти ёшга тўлади. Бу тарих учун ғоят қисқа давр. Лекин мустақиллик йилларида туғилган «Адолат» социал-демократик партияси шу йиллар ичида ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди, тикланди ва халқ эътиборига тушди. Ўтган парламент сайловларида илк бор иштирок этиб, ўзига хос тажриба тўплади. Бир неча номзод Олий Мажлис депутати этиб сайланди. Айни пайтда улар партия фракциясини ташкил этиб, янги қонунлар ишлаб чиқишда ва уларни такомиллаштиришда фаол иштирок этиб келишмоқда.

Хўш, янги йилда, янги асрда партиянинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат бўлади? Ўз дастурини, ўз ғояларини қандай амалга оширади? Бошқа партиялар билан қандай рақобат қилади? «Адолат» бошқа партиялардан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади? Мухбиримиз шу каби муҳим ҳаётий саволлар билан Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши котиби Т. М. ТОШЕВга мурожаат қилди.

– Тўхтамурод Мирзаҳалилович, шахсан Сиз Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг котиби сифатида партиянинг ўтган йиллар мобайнидаги фаолиятидан қониқиш ҳосил қилдингизми?

– Бу саволингизга ҳам «ҳа», ҳам»йўқ» деб жавоб бериш мумкин. «Ҳа» дейишимизга сабаб, ўтаётган олти йил партиямиз учун ҳақиқий тикланиш йиллари бўлди. Партия ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздан ўзининг муносиб ўрнини топди, халққа яқинлашди, унинг орасига янада чуқурроқ кириб борди. Бугунги кунда «Адолат» социал-демократик партияси ташкилий жиҳатдан тўла-тўкис шаклланган, ғоявий сиёсий томондан ўзининг аниқ йўли ва мафкурасига эга бўлган партиядир. Айни пайтда у хориждаги социал-демократик партиялар билан алоқалари кенгайиб бораётган, жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидан муносиб ўрин эгаллаб келаётган сиёсий кучдир. Парламент учун бўлган охирги сайловлар партиямиз учун жиддий имтиҳон бўлди десак муболаға бўлмайди. Олий Мажлис депутатлигига тавсия этилган 160 номзоддан 156 нафари сайловларда иштирок этди. Айни пайтда бир неча депутатдан иборат партия фракцияси Олий Мажлисда қизғин фаолият кўрсатмоқда.

«Йўқ» дейишимизнинг асосий сабаби, Сиёсий Кенгаш пленумларида белгиланган вазифаларни партиямиз тўла-тўкис амалга оширди, деб бўлмайди. Гарчанд «Адолат» СДП республикамизда амалга оширилаётган туб иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий ўзгаришларда фаол иштирок этаётган бўлсада, халқимиз манфаатлари билан боғлиқ муҳим масалаларнинг ечимини топишга кўмаклашишда гоҳо ожизлик қилиб қолмоқда. Партиямизнинг дастурида фуқароларнинг ҳуқуқий ва сиёсий онгини ўстиришга, ҳуқуқий демократик фуқаролик жамияти қуришга, ижтимоий адолатни қарор топтиришга кўмаклашишдек муҳим вазифалар ўзининг тўлақонли ифодасини топган. Зеро бу ишларда сусткашлик қилмаслигимиз керак, Афсуски, айнан шундай сусткашлик ўтган сайловларда сезилди. Ҳали бизнинг номзодларни танлашда етарли малака ва тажрибага эга эмаслигимиз маълум бўлиб қолди. Бу ҳол бошқа партияларнинг фаолиятида ҳам кўзга ташлангани эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Демак, биз бундан жиддий хулосалар чиқариб олишимиз зарур.

– Сайловлар ҳақида гап очиб бир нарсани ёдга туширдингиз. Ўшанда «Сайлов» – сийлов эмас, балки бу кўппартиявийлик шароитида сиёсий партияларнинг ҳақиқий кураши, номзодларнинг рақобат беллашуви демакдир» дея матбуотда қилган чиқишларингиз кўпчиликнинг ёдидан ҳали ҳам кўтарилгани йўқ...

– Тўғри, бу айни одамларнинг дилидаги гап ҳам эди. Сайловнинг сийлов эмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. «Мен фалончиман» деб кўкракка уришлар беҳуда кетди. Таниш-билиш, қуруқ, қоп-қоп ваъдалар бериш, пул билан одамларнинг кўнглини «овлаш» каби салбий холларга йўл қўйилмади. Юрт равнақи, халқ бахт-саодати учун сидқидилдан жон куйдирадиган фидоий инсонлар, қонунларимизни жаҳон андозалари даражасига кўтаришга ақлу заковати, билими, иқтидори, салоҳияти етадиган кишиларгина парламентга муносиб депутатлар бўла олишлигини халқимиз англаб етди. Демак, ҳар қандай партия аъзоси аввалам-бор халқ меҳрини қозониши, унинг қалбидан мустаҳкам ўрин олиши керак экан.

– «Адолат» Ўзбекистондаги ягона социал-демократик партиядир. Шундай экан халқаро социалистлар ташкилоти ҳақида ҳам билиб қўйсак фойдадан холи бўлмасди. Шу ҳақда маълумот беролмайсизми?

– Халқаро социалистлар ташкилоти – социалистик, социал демократик ва лейбористлар партияларининг дунёда кенг тарқалган ташкилотидир. Ҳозирги кунда у барча қитъалардаги 139 та сиёсий партиялар ва ташкилотлардан иборат.

Халқаро социалистлар ташкилоти 1951 йил Франкфурт Конгрессида қайта ташкил этилганидан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Халқаро социалистлар ташкилотининг олий қарор чиқарувчи органлари: ҳар уч йилда бир марта чақириладиган конгресс, барча аъзо партиялар ва ташкилотларни ўз ичига олувчи, бир йилда икки марта чақирилиб турадиган – кенгашдан иборат.

Халқаро социалистлар ташкилоти дунёнинг турли минтақалари ёш мамлакатларига тез-тез делегациялар ёки миссияларни ҳам жўнатиб туради. Яқин йиллар ичида бу миссиялар Ўрта Шарқ, Африка, Лотин Америкаси ва Карибий денгизи ҳамда Марказий ва Шарқий Европага юборилди. Нодавлат ташкилот сифатида халқаро социалистлар ташкилоти БМТ билан ҳамкорлик қилади ва жуда кўплаб бошқа ташкилотлар билан халқаро миқёсда иш олиб боради.

– Партия «Адолат» номи билан майдонга чиққан. Ўзбекистонда айни пайтда яна учта сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда. Баъзан бу партиялар бир-бирига ўхшайди, уларнинг ажралиб турадиган жиҳатлари йўқ, қабилидаги таъна-дашномларни эшитиб қоламиз. Аслида шундайми? Сиз бунга қандай қарайсиз?

– Ҳаётни ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди. Демак, кимлардир партиялар ўртасидаги тафовутларга, фарқларга бора олмаётган экан бу уларнинг камчилиги. Ана шу партия Низом ва Дастурлари билан яхши таниш эмаслиги оқибати. Ўзбекистондаги ҳар бир сиёсий партиянинг ўз мақсад ва вазифалари бор. Улар аниқ ва лўнда айтилган. Тўғри, партиялар қайсидир жиҳатлари билан бирбирига ўхшаб кетиши ҳам мумкин. Чунки сиёсий партияларнинг мақсади битта. У ҳам бўлса жонажон Ўзбекистонимизнинг равнақига ҳисса қўшиш. Лекин партиялар бу эзгу мақсадга ҳаётнинг турли жабҳаларини ривожлантириш орқали боради. Яъни масалан, бир сўз билан содда ва лўнда қилиб айтганда, Халқ демократик партияси халқ фаровонлигини оширишни, «Адолат» эса ижтимоий адолатни қарор топтириш ва қонун устуворлигини таъминлашни, «Миллий тикланиш» демократик партияси миллий тикланиш ғоясини амалга оширишни, қадриятларимизни тиклашни, Фидокорлар миллий демократик партияси эса Ватан тараққиётига хизмат қилиш, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини эркинлаштиришни мақсад қилиб олган. Лекин унга эришишнинг йўллари ҳар хил. Кўрдингизми, гап нимада?.. Ҳаммасининг ўз йўли бор.

– Шу ўринда «Адолат»нинг мақсадлари ҳақида кенгроқ тўхталиб ўтсангиз?

– «Адолат» социал-демократик партияси ўртаҳол ва эҳтиёжманд аҳоли табақаларига таянади, уларнинг сиёсий ва ижтимоий иродаларини намоён этишга интилади. Аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий муҳофаза этишга кўмаклашади, ижтимоий адолат тамойилларига қатъий амал қилиб, уларнинг манфаатларини, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Партиянинг ғоявий негизини социал-демократиянинг уч асосий принципи ташкил этади. Булар – сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий адолат тамойилларидир.

Социал-демократиянинг асосий тамойилларини амалга ошириш партиямиз дастурида белгиланган демократик одил жамиятни қуриш билан узвий боғлангандир. Бундай жамиятни барпо этиш қонун устуворлигини таъминловчи адолатли ижтимоий муносабатлар ўрнатилгандагина ҳаётийдир. Ушбу йўналишдаги ишларни бажаришни партия ўзининг асосий вазифаси деб ҳисоблайди.

Партия дастурида кўрсатиб ўтилганидек, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси синфий айирмачилик, синфий кураш, шунингдек, қуролли қўзғолонлар ғоясини қатъиян рад этади. Жамиятни демократлаштириш, ижтимоий табақалар ва тоифалар ўртасидаги ҳамкорлик ҳамда ҳамжиҳатликни вужудга келтириб, халқимиз бирлигини, биродарлигини мустаҳкамлашга интилади.

Демократик жараёнлар чуқурлашиб борар экан, партияларнинг фаоллиги, фуқароларнинг ўз сиёсий иродаларини амалга оширишга бўлган интилиши ошиб боради. Бундай шароитда партия аъзолари ва фуқароларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш ва сиёсий-маданий савиясини юксалтириш, миллий мафкура ғояларини улар онгига сингдириш Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг долзарб вазифасига айланиб бораверади.

– Партия бугунги кунда ўз сафига қирқ минг нафарга яқин аъзони бирлаштирган экан. Бу – Ўзбекистондек ривожланиб бораётган мамлакатда қандай жарангларкин? Умуман партия сафларини сон ва сифат жиҳатидан ўстириш борасида қилинаётган ишлардан кўнглингиз тўлаяптими?

– Партиямиз ўзининг ички қонун-қоидаларига эга. Партия сафларига аъзоларни қабул қилишда биз кўпроқ сонга эмас, сифатга эътибор берамиз. Бу табиийки, партиямизнинг ҳар жиҳатдан мустаҳкам бўлишига ҳам йўл очади. Тўғри, яқин олти йил ичида 40 минг нафарга яқин аъзога эга бўлиш бу унчалик катта гап эмас. Бироқ ҳамма нарсанинг ози ширин деган гап бор. «Адолат» мана ўтган йиллар ичида хориждаги айрим партиялар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди. Келгусида ҳам бу борада катта ишларни олиб боришни режалаштирган. Бу албатта партиямизнинг тутган ўрни ва мавқеи мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир. Вилоят партия Кенгашлари жойларда партия сафларини ўстириш, уни сифат жиҳатидан мустаҳкамлаш борасида муҳим ишларни амалга оширишяпти. Айниқса, Самарқанд, Хоразм, Андижон вилоятларида бу ишлар пухта олиб борилмоқда. Меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда бошланғич партия ташкилотлари юзага келаяпти. Демак ҳали ҳаммаси олдинда.

– Умуман ўтган йили партия томонидан кўзга кўринарли қандай ишлар амалга оширилди?

– Ўтган 2000 йилда партия Сиёсий Кенгашининг учта пленуми ўтказилди. Жумладан, сентябрь ойида бўлиб ўтган IV Пленумда партия аҳолининг хушёрлигини ошириш, фуқароларнинг бунёдкорлик ўзгаришларида онгли равишда, масъулият билан иштирок этишини таъминлаш борасидаги амалий ишларни белгилаб олди. Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши жойлардаги партия ташкилотлари тасарруфидаги мавжуд воситалар орқали халқаро терроризм, унинг ташкилотчилари ва раҳнамолари жиноятларининг асл моҳиятини фош этиш бўйича ҳар томонлама тарғибот-ташвиқот ишларини ўтказди. Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда фуқаролар билан йиғилишлар уюштирилди.

Ўтган йили партиянинг ҳорижий сиёсий партия ва ташкилотлари билан ҳам алоқалари кенгайди. Германия социал-демократик партияси қошидаги Фридрих Эберт жамғармаси лойиҳа директори Вульф Лапинс бошчилигидаги делегация ҳамда Германия христиан-демократик партияси қошидаги Конрад Аденаур фонди раҳбарияти аъзоси Рудольф Кабель бошчилигидаги делегация қабул қилинди.

– Кириб келган янги йилдан, янги асрдан нималарни кутаяпсиз?

– Жонажон Ўзбекистонимизни буюк давлатга айланишини, халқимизни тинч фаровон турмуш кечиришини, ҳаётимизнинг ҳамма соҳалари гуркираб-яшнаб, ривожланишини, партиямизнинг обрў-эътибори, шон-шуҳрати бундан ҳам ошишини истайман. Элимиз ҳамиша тинч бўлиб, юртимиз обод бўлиб бораверсин. Ҳар ким ўзи эккан дарахтнинг мевасидан тотиб, роҳатини кўрсин.

Суҳбатдош: Ҳазратилло РЎЗИЕВ.

«Обуна – 2001»

УЧИНЧИ МИНГ ЙИЛЛИККА «АДОЛАТ» БИЛАН!

Азиз адолатсевар муштарийларимиз!

Адолатли ҳуқуқий демократик давлат қураётган бу дориломон кунларда янги асрга «Адолат» билан қадам қўйинг, адолат ҳаётингизда ҳамиша устувор бўлсин.

Янги асрда ҳам биз билан бирга бўласиз деган умиддамиз.

Гарчи 2001 йил учун обуна мавсуми расман 2000 йил 25 декабрда тугаса-да, аммо янги йил учун обуна давом этаверади. Агар газетамизга январь ойида қолган вақтга обуна бўлсангиз, февраль ойидан бошлаб газетамизни ола бошлайсиз.

«Адолат» газетасига обуна барча алоқа бўлимларида расмийлаштирилади.
«Адолат»нинг нашр кўрсаткичи-100.

«АДОЛАТ» СИЗГА ҲАМИША ҲАМРОҲ БЎЛСИН!

Тарихни билиш—ўзликни англаш демакдир

МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАРИ

Бугунги кунда ўзининг тараққиёт йўлидан дадил бораётган жонажон Ўзбекистонимиз билан ҳақли равишда фахрланишимиз керак. Чунки бизни эътироф этаётган жаҳоннинг турли минтақаларидаги мамлакатлар ҳали уйқу оғушида бўлганида Шарқда, бизнинг она диёримизда ижтимоий онг, тафаккур, миллий ғоя ривожланиб, фан ва маданият гуллаб-яшнаган эди. Кўҳна шарқдаги уйғониш даври ривожланишидаги барча ютуқлар Ғарбга узатилди. Биз тарих ғилдираги босиб ўтган тараққиёт йўлини аллақачон ўрганиб, сабоқ олганмиз. Лекин бизларга йўл беришмади. Ўша даврларда ҳукм сурган тарихий жараён даврида Султон Алп-Арслон, Низом ул мулк ва Маликшоҳлар томонидан 1092 йилда ёзилган «Сиёсатнома» асари миллий ғоя ва миллий мафкуранинг тарихий шакллари кўринишларидан бири ҳисобланади.

Бир неча асрлар ўтгач Мовароуннаҳр ҳукмдори, соҳибқирон Амир Темур фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишга, маънавиятни шакллантиришга катта эътибор бериб, салтанатни бошқаришда миллий ғоя ва миллий мафкурага суянган. У илм-фан, маданият ва санъат эгаларига ҳурмат билан қараган.

Шунинг учун Амир Темур ва темурийлар даврида фан ва маданият гуллаб яшнади. Салтанатда осойишталик ҳукм сурди. Ҳар бир иш одилона ҳал қилиниб «Куч – адолатда» шиорига амал қилинди. У ўзи ёзган «Темур тузуклари»да фуқароларнинг маънавиятини тарбиялашда миллий ғоянинг бош дастури бўлиб хизмат қилди. «Темур тузуклари»да миллат ва Ватанни ҳимоя қилиш – байроғингиз бўлсин!» деб пандунасиҳатлар қилди. Ватанни ҳимоя қилиш бизларда энг қадимги даврлардан бошланган. Тўмарис, Широқ, Спитамен, Муқанна, Темур Малик ва Жалолиддин Мангубердилар яратган жасорат ва қаҳрамонликлар тарихнинг олтин зарварақларига ёзилган.

Ҳа, Ватан муҳаббати ҳамма нарсадан кучли. Инсонга Ватан, булбулга чаман керак. Халқимиз ичидан чиққан буюк алломалар Ватанни улуғлаб келганлар. Улар Ватанни, миллатни сотган хоинларни қоралаган ва уларга қарши курашганлар.

Ҳақиқий ватанпарвар Ватанининг оғир кунида ҳам, енгил кунида ҳам уни тарк этмайди, у билан бирга бўлади. Агар сен ўзингни Ватанга қанчалар яқин ҳис этсанг, уни шу қадар яхши тушуниб, вужудинг билан севиб қоласан. Ватанга хиёнат, миллатга ҳам хиёнатдир. Узбек халқининг даҳо шоири Алишер Навоий:

Ватан таркини бир нафас айлама
Яна ранжи ғурбак ҳавас айлама

дейди. Яна шоир:

Шонки, иш адл ила бунёд этар,
Адл бузуқ мулкни обод этар
Адл ила олам юзин обод қил
Хулқ ила олам элин шод қил.

каби олийжаноблик ва инсонпарварлик руҳи билан суғорилган мисралари авлодларни эзгуликка, яхшиликка даъват этган.

А. Навоий «Хамса» достонига киритган «Ҳайратул аброр» (яхшиларнинг ҳайратланиши) достонида миллий ғояни асоси бўлган инсонни улуғлаш, халқ ғамини ейиш, унга ғамхўр бўлиш ғояларини илгари суради. Заҳириддин Муҳаммад Бобур машҳур ҳукмдор бўлишига қарамай, етук олим ва шоир эди. У Ватанини шу қадар севдики:

Ватандин бош олиб
кетсам,
Аё етгунча йиғлайман

деб ёзди. Унинг шеърларида ҳалоллик, яхшилик, ватанпарварлик, тўғрилик бош мезон бўлиб, у ўзининг рубойиларида:

Ҳар кимки вафо қилса, вафо
топғусидир
Ҳар кимки жафо қилса жафо
топғусидир.
Яхши киши кўрмагай ёмонлик
ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо
топғусидир

деб яхшиликни тараннум этса, оламга маълум ва машҳур бўлган «Бобурнома» асарида мамлакатни бошқаришда бош кафолат инсонпарварлик, адолатпарварликда деб таъкидлади.

Тарихимиздан маълумки, озодлик ва эркин ҳаёт халқимизнинг азалий орзуси бўлган. Ватан озодлиги учун курашда ўзбекнинг не-не ўғлонлари қон кечиб жанг қилиб, қурбон бўлганлар.

Широқ, Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Темур Малик ва Жалолиддин Мангуберди каби жасур қаҳрамонлари билан халқимиз ҳақли равишда фахрланадилар.

Ватаннинг азиз фарзандлари Беҳбудий, Мунаввар-қори, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Чўлпон ва Абдураўф Фитратлар миллий ғоя осмонидаги ёруғ юлдузлар эди.

Бу – она Ватан, қадимий Туркистон бугунги истиқлолнинг ўн йиллигини кутиб олиш учун ҳозирлик кўраётган, Узбекистон XXI асрга, яъни, учинчи минг йилликка ўзининг салоҳияти билан, «ўзбек модели»га эга бўлган истиқлол руҳи билан кириб келди.

Юртбошимиз Ислом Каримов ўз маърузаларида истиқлол миллий ғоясини етук олим сифатида «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш пировард мақсадимиз» деб, лўнда қилиб тушунтириб, ҳаммани шунга даъват этдилар.

Ҳа, озод ва обод Ватанни келажак авлодларга етказиш, аниқ марраларга эришишда, ёшларни истиқлол руҳида тарбиялашда миллий ғоянинг аҳамияти каттадир.

Муҳаммаджон ЎРМОНОВ,
Темурийлар тарихи давлат музейи катта илмий ходими, тарихчи олим.

Тошкент вилоятининг Чиноз туманидаги «Олмазормебель» ҳиссадорлик жамиятида ўз касбига сидқидилдан қўнгил қўйган ишчи-хизматчилар кўпчиликни ташкил этишади. Шунинг учун ҳам бу жамоа ўтган йилни қувончли натижалар билан якунлаб, янги йилни муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олди. Бунга ишлаб чиқариш цехининг ёғочга ишлов бериш бўлими мутахассислари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар.

СУРАТДА: участка бригадири Абдураҳмон Йўлдошев (ўртада) дурадгордастгоҳчилар Иброҳим Нодиров Равшан Пирвалиев билан иш пайтида.

Абдужалол РАҲИМОВ олган сурат.

Замондошимиз

СЕРГАК НАЗОРАТЧИ

Тун ярмидан оққан, Самарқанд — Навоий чегарасидаги давлат автоназорати масканида навбатчилик қилаётган Акмал Жумаев Бухоро томонидан катта тезлик билан келаётган 16 Д 15-59 рақамли «КАМАЗ» машинасига тўхташ ишорасини қилди. Машина анча нарироқда тўхтади. Акмал кабинада ўтирган ҳайдовчи хузурига бориб, ўзини таништирди. Унинг ҳужжатлари билан танишиб чиқди, ҳайдовчининг кўзларига маъюдор боқди. Ҳайдовчи эса кўзларини назоратчидан олиб қочишга, ундан тезроқ қутилиш учун ҳаракат қиларди. Шофёрнинг бу хатти-ҳаракати Акмалда шубҳа туғдирди.

– Биродар, машинангиздаги юкни бир кўздан кечирсак, – деди Акмал ҳайдовчига.

– Машинамдаги юкнинг тузлиги шундоққина кўриниб турибди-ку, нимасини текширасиз, – бўш келмади ҳайдовчи йигит.

– Маъзур тутасиз хизматчилик. Текшириб кўришга тўғри келади.

Шофёр кабинадан жаҳл билан тушди-да, Акмалга дўқ-пўписа қилди.

– Ҳой йигитча, нима демоқчисан ўзинг? Кел, очиқчасига гаплашайлик. Оладиганингни олда, менга жавоб бер.

Акмал аввал мийиғида кулиб қўйди. Шофёрнинг бу гапи шубҳасини оширди.

– Биродар, нималар деяпсиз? Наҳотки ички ишлар ходимлари тўғрисида шунақа тушунчада бўлсангиз. Кечирасиз-у мен сиз айтган тоифалардан эмасман. Машинангиздаги юкингиз фақат туз бўлса, марҳамат жавоб берамиз. Лекин назорат қилишим шарт, – Акмал шундай деди-ю, чаққонлик билан машина юкхонасига чиқди. Қўлидаги таёқ билан ортилган тузни титкилаб чиқди. У таёқчасини бир четга қўйиб, қўллари билан тузнинг ҳар жой ҳар жойидан ковлай бошлади. Шу пайт бармоқлари қаттиқ нарсага урилди. Акмал машинадан тушиб, бирга навбатчилик қилаётган ҳамкасбларини ёрдамга чақирди. Назоратчилар Акмал Жумаев раҳбарлигида машина юкхонасидаги тузнинг ичидаги махсус идишларга ураган наркотикларни олиб чиқишди. Ранги докадек оқарган ҳайдовчи йигитнинг тили калимага келмай қолди.

– Очиқчасига гаплашайлик дейишингизнинг тагида гап бор экан-да оғайни, – деди Акмал ҳайдовчига — Энди очиқчасига мен билан эмас, тегишли жойда гаплашасиз.

Акмал шофёрнинг ҳар қанча илтижо ва ялинишларига қарамай ҳамкасблари иштирокида далолатнома тузиб, машина ва ҳайдовчини ички ишлар бўлимига топшириб қайтди. У бўлимдан ДАН масканига етиб келганида тонг ота бошлаган эди. Тунги хизматдан толиқанига қарамай яна ўз постини эгаллади. Шу пайт ДАНга яқинлашиб келаётган автобуснинг тезлик ҳаракати ҳам Акмални яна шубҳага солди. Назоратчи йигит уни ҳам тўхтатди.

– Қаердан келаяпсизлар? – суради автобус ҳайдовчисидан.

– Тожикистондан келаяпмиз.

Акмал қўшни республикадан келаётган меҳмонлар автобусини синчиклаб кўздан кечирди. Не кўз билан кўрсинки, уларнинг ҳам қадамлари бежо экан. Автобусдан герои топилди. У ўша куни жиноятчи меҳмонларни ҳам ички ишлар бўлимига топширди.

– Барака топ ука, – деди Навоий вилоят Ички ишлар бошқармаси раҳбаридан бири. – Сен катта жасорат кўрсатаяпсан. Ашаддий жиноятчиларни тутишнинг ўзи бўлмайди. Сенга бошқармамиз маъмурияти томонидан яна бир марта раҳматнома эълон қиламиз.

Дарвоқе, Акмал Жумаевнинг Давлат автоназоратида хизмат қилаётганига 13 йил бўлди. У дастлабки хизмат фаолиятини Учқудуқ шаҳридан бошлади. Ўз хизматига нисбатан садоқати, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда елиб-югураётганлиги туфайли ҳам ҳамкасблари ўртасида катта ҳурматга лойиқ бўлди. Шу боис ҳам вилоят Ички ишлар бошқармаси томонидан Акмал Жумаевни Навоий–Самарқанд мунтазам ДАН масканига ишга олинди. Мана 10 йилдирки у ана шу масканда фидокорона хизмат қилмоқда.

– Уқитувчилар оиласиданман, – дейди Акмал биз билан суҳбатда, – отам Рўзи Жумаевнинг умри ёшларга таълим бериш билан ўтган. У киши биз фарзандларига ҳамиша ҳалоллик, Ватанга садоқат билан хизмат қилиш ҳақида гапирадилар.

Ҳа, фидокорлик киши обрў-эътиборини орттиради. Кеча-кундуз постида ҳушёр туриб, жиноятга қўл урганлар билан қаттиқ курашаётган Акмал Жумаевнинг ҳам Навоий вилоятида катта обрў эътибори бор. У ўзининг ана шундай хизматлари туфайли «Ички ишлар хизмати аълочиси» деган нишонга ва Ички ишлар капитани деган унвонга сазовор бўлди.

Аскар ЖАЛИЛОВ,
«Адолат» мухбири.

Эъзоз

ПРОКУРОР БЎЛИБ ТУҒИЛГАН

Асрлар туташ келган бугунги кунимиз тўғрисида ўй сурар эканман беихтиёр кўз ўнгимдан адолат посбонлари – менинг азиз касбдошларим ўта бошлайди. Одиллик истаган ҳар бир қадамда, покликни, ҳаққонийликни тарғиб этган ҳар бир сатримда уларнинг нафасини ҳис қиламан. Ҳар дамки бирор юртдошимнинг оғирини енгил қилар эканман Элнинг, Ватаннинг юзига оёқ қўйишдан ҳам қўрқмайдиган номарднинг қабиҳлигини кесар эканман устозларимнинг мададига таянаман.

Ҳар тонг остона ҳатлаб кўчага чиқишда, устозимдан талабалик пайтларимда эшитган «Прокурор бўлиш учун ўқиш кифоя эмас, прокурор бўлиб туғилиш лозим» деган ўгитларни эслайман. Ҳар куни ушбу мантиқнинг мазмунини тушунгандек бўламан, унинг асл мазмунини чаққандек бўламан.Лекин кунлар йилларга, йиллар асрларга айланса-да, устоз ўгитини тўлиқ кашф этолмайман, унинг бутун қирраларини тасаввуримга сиғдираолмайман.

Прокурор бўлиб туғилиш! Ушбу иборани англаш учун эл ҳурмат қилган, ўзини устоз деб ҳисоблаган адолат посбонлари умрларини ҳаёлимга келтираман.

Иккинчи жаҳон уруши тугаб, ғалаба байроғи қишлоқларимиз узра ҳилпирай бошлаган пайт. Кечагина ярим кунни далада, ярим кунни китоблар бағрида ўтказган, кечалари билан жанг майдонига кетган мехрибон отасини кутган фарзанд бугун врач бўлиш орзусида эди. Одамларга кўпроқ ёрдам бериш, уларнинг машъум уруш туфайли оларалиги тезроқ малҳам топиш, элнинг осойишталиги, юртнинг тинчлиги учун ўқ парчасини бағрида кўтариб олиб юрган жангчига ёрдам беришни кўнглига туккан эди. Хаёлида худди отаси ҳам эрта-индин ярадор ҳолда қайтиб келади-ю, ўглидан кўмак сўраётгандек туюларди.

Ёш Қобилжон шу ниятлар билан ҳужжатларини Тиббиёт институтига топширди.

Бироқ... бобоси Азим ота неварасининг врач бўлишидан кўра, ҳуқуқшунос бўлишини истар эди. Азим отанинг фикрича, адолат бор бўлса инсон соғлигига зарар етмайди, кўнгли ўксимаган одамнинг касал бўлиши даргумон. Бундан ташқари, Азим бобо ўгли Розиқнинг уруш гирдобида бедарак йўқолганлигини, унинг энди ҳеч қачон қайтиб келмаслигини тан олган эди. Зорра невараси адолатпарвар бўлса-ю, Розиқ не-не алп йигитларнинг умрига зомин бўлган ҳақсизликка қарши курашса!

Азим бобо неварасини кўндирди, уни врач эмас прокурор бўлишга ундади.

Кунни тунга улаб, тунни қўёш билан бирга кутган талабалик йиллари ўзини оқлади. 1952 йилда Қобилжон Розиқов Тошкент Давлат юридик институтини имтиёзли диплом билан тугатди.

Қип-қизил чўғдек ёниб турган дипломни Азим бувасига, уни оқ тараб, оқ ювдирган онаизорига берар экан, Қобилжоннинг талабалик қийинчиликлари бир зумда унут бўлди, қўйди. Бугун Қобилжон Розиқович устоз. Устоз бўлганда ҳам бутун умри ҳалоллик ва тўғрисўзлик, адолат ва ҳаққонийлик ила йўғрилган устоз! Унинг номини Чиноэда, Мирзачўлда, Боёвут ва Бекободда ҳурмат билан тилга олишади. Тошкент вилояти прокуратурасида фаолият кўрсатган даври бугун ўз натижаларини бермоқда. Узбекистон Республикаси прокурори ўринбосари, кейинчалик биринчи ўринбосари лавозимида 1980 йилдан 1989 йилгача фаолият кўрсатди. Устоз ҳақида кўп гапириш мумкин. Унинг тўғрисўзлиги, билимдонлиги адолат йўлида курашувчанлиги ҳамиша ўрнак олса арзийдиган ҳислатлардир.

Қобилжон Розиқович тўғрисида гап кетганда бир воқеани эслаб ўтиш зарур. Ушбу ҳолат унинг бутун умрини акс эттирувчи ёрқин ранг ҳисобланади, десак хато қилмаймиз.

Республикадаги кўпгина ҳуқуқшуносларнинг устози бўлмиш Қобилжон ука бугунги кунда етмиш баҳорни қаршилаб, биз билан тенгма-тенг, баъзи ҳолларда биздан ҳам кўпроқ, таъбир жоиз бўлса асрларга татигулик меҳнат билан шуғулланмоқда ва ҳамон эл ишига ҳамдард, ҳамкордир.

Давлат ва жамият олдидаги улкан хизматлари учун Қ. Розиқов «Узбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвони ҳамда бир қатор орден ва медаллар билан тақдирланган.

Республика ҳужалик судларининг кадрларини шакллантиришда шундай прокурор бўлиб туғилган инсон кўмагидан фойдаланилаётганлигидан фахрланаман.

Сиздек нуроний, пурҳикмат ва донишманд кишилар қаторимизда бор экан, мамлакатимиз яна ҳам обод, турмушимиз фаровон, элимиз бахт-саодатли, фарзандларимиз оқибатли, имонли ва истиқболли порлоқ бўлишига ишончимиз комил.

М. НИЁЗМЕТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди бошқарма бошлиғи.

Мозийдан садо

СЎҒД ИЖАРА ШАРТНОМАСИ

1992 йил 8 декабрда мустақил Ватанимизнинг миллий ўзлигимизни англатишга хизмат қиладиган Қомусимиз – Конституциямиз қабул қилинди. Биз ва сизга қандай улуғ бахтки, муборак Рамазон ойида ҳаётий дастуримиз бўлган қомусимизнинг 8 йиллигини тантанали нишонладик.

Теранроқ қаралса, бу қомусга БМТ ҳужжатлари, инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси, халқаро ҳуқуқ қоидалари билан биргаликда миллий тарихий ҳуқуқий қадриятларимиз ҳам катта пойдевор бўлиб хизмат қилган.

Тарих саҳифаларини варақлар эканмиз, юртимизда азалдан инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиниб, унинг қадр-қиммати жуда юксак эъзозланганлигининг гувоҳи бўламиз.

Демак, она Ватанимизда азалдан давлатчилик санъат даражасига кўтарилган.

Бундан 1300 йил аввал амал қилинган қоидалар ҳақида аниқ маълумотлар берувчи Суғдиёна ҳужжатлари фикримизга далилдир.

Бугун биз сизнинг диққатингизга суғд архивига мансуб ижара шартномаси ҳақидаги бир ҳужжат тўғрисидаги суҳбатимизни ҳавола этамиз.

Бу ҳужжатни тузувчилар: Суғд ҳукмдори Деваштич Йодахшетак ўғли ва Мохйон Допотшир ўғлидир. Ҳужжатда айтилишича, Деваштич уч сув тегирмонини бир йилга Мохйон Доподшир ўғлига ижарага берган. Унда шундай ёзилган: Бу йил Самарқанд ҳукмдори Деваштич подшолигининг биринчи йилидир. Подшо Деваштич Йодахшетак ўғлидан Мохйон Тутискат деган жойдаги ун тегирмонларни, барча ариқларни, қурилмаларни ва тегирмон тошлари билан шундай шартга биноан ижарага олди:

Мохйон бу тегирмонларни бир йил давомида ижарада тутсин ва Мохйон учала тегирмондан йилига 460 кафч ун ижара ҳақи тўласин, унларнинг оғирлиги қатъий текширилсин. Агар Мохйон бу шартга риоя қилмаса бу иш унинг томонидан содир этилган қонунсизлик ва адолатсизлик деб топилсин. Шарт бажарилмаган ҳолатда подшо қонунига қатъий риоя қилган ҳолда ўз амалдори орқали тегирмонни ва унларни Мохйондан тортиб олсин».

Қонунга кўра, ижара ҳақи уч тегирмон учун бир йилда 460 кафч ун деб белгиланган. Суғдийларда бир кафч ун 8 кг.га тенг келган. Демак, Мохйон Деваштича бир йилга уч тегирмондан 3680 кг. ун тўлаши керак бўлган.

Шартномага мувофиқ ижарачи Мохйон битим қоидаларини тўлиқ бажарган тақдирда у нафақат тегирмондан, балки тегирмон атрофидаги ер, ариқлардан ҳам фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган. Бу давр ичида Деваштич унга барча имкониятларни яратиб берган. Демак, ҳар икки томоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари битимда аниқ кўрсатилган.

Ҳужжат 5 киши гувоҳлигида тузилган ва 718 йил 5 апрелдан 719 йил 5 апрелгача кучда бўлган. Шуниси эътиборга моликки, у даврда ҳукмдорлар ҳам тадбиркорлик билан шуғуллана олишган.

Аждодларимиз ҳар қандай шароитда ҳам шартни бажариш лозимлигини яхши англаганлар. Акс ҳолда зарар ижарачининг ўғли, ҳатто унинг уруғ-аймоғидан ундирилган.

Бизнинг мустақил диёримизда ижара шартномалари юридик ва жисмоний шахслар ёхуд улар ва давлат ўртасида тузилади, бироқ баъзан шартлар бажарилмаган тақдирда ҳам айбдорга кўпинча жазо бериш билан кифояланамиз, зарар ўрни эса, қопланмай қолиши мумкин.

Диққатингизга яна бир ҳужжатни ҳавола қилмоқчимиз. Бу ҳужжат кўчмас мулк савдоси ҳақида.

Кўчмас мулк сотувчилар Ширвагч ва Сатансарак харидорни ер сотиб бўлганларидан кейин ҳам доимо ҳимоя қилиб боришлари шарт бўлган.

Ҳужжатда ер сотилгандан кейин бу ерда харидорлар махч ва Хушумвандакларни, ҳамда унинг уруғларини кимки безовта қилса ёки ерга эгалик бўйича жанжал ва тўполон чиқаришга интилса уларни сотувчилар Ширвагч ва Сатапсарак ўз уруғ-аймоқлари билан биргаликда ҳеч қандай сузсиз жанжалдан холи қилсинлар ва харидорга ҳеч қандай зарар етказмасинлар» деган банд ҳам бўлиб, ҳужжатда 5 гувоҳ номлари қайд этилган.

Бундан 1300 йил аввал амал қилинган қонунчилигимизга гувоҳ бўлган Суғдиёна ҳужжатлари ўзининг мукаммаллиги билан бизни чуқур ўрганишга ундайди.

Шоҳиста ЎЛЖАЕВА,
тарих фанлари номзоди.

МЕҲР-МУРУВВАТ СОВҒАСИ

Меҳр-мурувват кўрсатиш, саховатпешалик халқимизнинг энг яхши фазилатларидан биридир. Айниқса, байрамлар, тантанали кунларда меҳрибончилик, эзгулик ишлари яна-да кўпроқ бўй кўрсатади.

Янги йилни шоду-хуррамлик билан кутиб олдик. Унинг қувончлари болалар даврасида ҳамон давом этяпти. Катталарнинг ва ҳомий ташкилотларнинг совғалари эса кичкинтойларнинг қувончига-қувонч қўшмоқда. Ана шундай тантаналардан бири Чирчиқ шаҳридаги Химиклар маданият саройида ўтказилди.

Бу янги йил арча байрамининг бошқаларидан бироз фарқи шунда бўлдики, байрамда ота-онасидан бевақт ажралиб қолган, қариндош-уруғлари қўлида тарбияланаётган болалар, Чирчиқ, Оҳангарон, Олмалиқ, Ангрен шаҳари ва Тошкент вилоятининг ўндан ортиқ туманларидан келган болалар қатнашди. Байрамни Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Хўжаева очиб ўзининг эзгу истакларини билдирди.

Тошкент вилояти касаба уюшма кенгаши раиси Муҳайё Тўлаганова 600 минг сўмлик байрам совғаларини болаларга тақдим этди.

«Туркистон-пресс».

Фидоийлар бор бўлсин!

Ҳар бир нарсанинг интиҳоси бўлади. Буни айниқса мирзачўл деҳқонлар, боғбону сохибкорлар яхши билишади. Шунинг учун ҳам боғларни янгилаш, навларни алмаштиришга катта эътибор беришади. Бу оддий ҳақиқатни унутиб қўйганларнинг эса ҳолига вой.

Кибрай туманидаги лимончилик хўжалигини нафақат Тошкент вилоятида, балки бутун республикамизда яхши билишади. Машҳур лимончи Зайниддин ота Фахриддиновнинг номи эса, ҳатто ҳорижликларга ҳам таниш. Отахон Узбекистонда лимончилик мактабини яратган инсон. У кишининг даврларида 50 гектардаги иссиқхонадан 1600 тоннага етказиб ҳосил олинган.

Аммо вақт ўтиб, Зайниддин ота ҳам, у киши ўстирган лимон дарахтлари ҳам қариди. Раҳбарлар алмашаверди. Бироқ дарахтларни алмаштириш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмади. Натижада ҳосилдорлик йилдан йилга пасая борди. Бир вақтлари гуриллаган, миллион-миллион даромад қурган хўжалик қарз боткоғига ботди. 1998 хўжалик йили 22 миллион сўм қарз билан якунланди.

Маълумки, лимончилик хўжалиги шундоққина шаҳарнинг биқинида жойлашган. Шаҳарга яқин хўжаликларнинг яхши томони ҳам, ёмон томони ҳам бор. Агар хўжалик рентабелли бўлса, ишчи кўчидан ҳеч қачон танқислик сезилмайди. Аксинча бўлса-чи? Унда ишловчилар шаҳар корхоналарига кетиб қолишаверади. Малакали одам бўлмаса иш юришармиди. Лимончилик хўжалигида ҳам шундай бўлди. Даромаднинг тайини бўлмагач тажрибали сохибкорларнинг кўпи бошқа жойдан иш излашга мажбур бўлишди.

Туман раҳбарияти хўжаликни қолоқлик домидан чиқариб олиш учун аввало малакали, тажрибали, билимдон, энг кераклиси одамлар билан тил топиша оладиган, уларга ҳақиқий етакчи бўла оладиган раҳбар лозимлигини тўғри англаб, бу лавозимга Маннап Юсуповни маъқул кўришди, Сабаби, у 1984 йилдан то 1990 йилгача «Лимончилик» жамоа хўжалигида бригадир, бўлим бошлиғи, мақсулотларни қайта ишлаш цехи бошлиғи лавозимларида ишлаган. Шу даврда ёш мутахассис ўзининг ишчанлиги, ишбилармонлиги, тадбиркорлиги, энг асосийси тармоқни ривожлантиришга оид бири-биридан қизиқарли таклифлари билан кўпчиликнинг назарига тушганди.

Маннап Юсуповнинг раҳбар бўлиб келиши жамоадаги кўплаб мирзачўлликларга ҳам маъқул келди. Улар янги раисга қўлларидан келганча ҳар томонлама ёрдам беришга тайёрликларини билдиришди. Раҳбар ишни жамоадаги вазиятни ўрганишдан бошлади. Одамларнинг фикрига қулоқ тутди. Аҳвол ўнгланса, ҳар ким меҳнатига яраша рағбат олишини уқтирди.

Кўпчилик унга ишонди. Ишондигина эмас, вақти келганда ёрдамини аямади. Вазият шундай эдики, агар эскирган лимон дарахтларини бир ҳаракат билан кўпориб ташланса, бунинг учун аввало катта куч, меҳнат сарфлашга тўғри келарди. Боз устига шунча майдонга янги кўчат тайёрлаш учун ҳам жуда кўп миқдорда маблағ керак. Қолаверса, бу иш бир-икки йилда бўладиган иш эмас. Шу йўлдан борилса, хўжаликнинг миллионлаб қарзи миллиардларга айланиб кетиши мумкин.

Маннап Юсупов масаланинг ечимини топди. Унинг фикрича, иссиқхоналардан вақтинчалик сабзавот етиштириш учун фойдаланса масадга мувофиқ бўлади. Шундай қилинса, ҳам фойда кўпаяди, ҳам алмашлаб экиш ҳисобига 20-25 йил мобайнида лимон билан банд бўлган ерлар соғломлашади, унумдорлиги ошади.

Шу мақсадда иссиқхоналар ижарачиларга бўлиб берилади. Ўз имконияти даражасида ер олган ижарачилар ўзларига тегишли майдонларга помидор, бодринг экиб, мўл ҳосил етиштира бошлашди. Дастлабки йили олинган фойда ҳисобига 22 миллион қарзнинг ярми қопланди. Одамлар қўлига пул тушди. Меҳнатига яраша даромад олган иссиқхона ходимлари ҳаракат қилиш, изланиш, янги, илгор агротехника усулларини қўллаш ҳисобига ҳар бир қарич ер ҳосилдорлигини ошириб бордилар.

Биз яқинда иссиқхонада бўлганимизда мутахассислар қуйидаги фикрларни айтишди. Уларнинг гапларига қараганда, биргина ўтган 2000 йилнинг ўзида ҳар гектар ҳисобига бу ерда 100 тонна помидор етиштирилган. Бодринг, ҳосилдорлиги ҳам бошқа ердагига қараганда юқори бўлган.

2000 йилда лимончилик хўжалиги ҳисоб рақамида 10 миллион сўмга яқин маблағ бўлган. Йил якунида эса яна 26 миллион сўм даромад олинган. Буларнинг ҳаммаси хўжалик равнақига, одамлар турмуши фаровонлигига замин яратяпти.

Мен бу ерда ишловчиларнинг, яъни ижарачиларнинг ғаймларини таниймаи. Улар Тошкентнинг нариги чеккасида яшасаларда, шу ерда меҳнат қилишади. Тағларида янги енгил машина, қўлларида уяли телефон. Оилалари тўқ, турмушлари фаровон. Улар ҳалол меҳнат қилиб, унинг ҳузурини кўришяпти.

Суҳбатдошларимизнинг кўпчилиги хўжалик раҳбари Маннап Юсуповдан мамнун эканликларини билдиришди. Чунки у одамларни ишлатишни яхши билади, Ҳадеб иш талаб қилавермайди. Аввал шароит яратади. Меҳнатига яраша даромад олишига имкон беради. Бунинг учун керак бўлса кураши. Шунинг учун ҳам лимончилик хўжалигида тобора ишлар юришиб, маҳсулот ҳажми ҳам, сифати ҳам, даромад ҳам кўпайиб бормоқда.

Биз раисдан сабзавотчилик ривожлангани яхши, аммо лимончилик нима бўлади, деб берган саволимизга у: «Бир ишни қилишдан аввал руҳга ўтиб, ўйлаш, яъни етти ўлчаб бир кесиш лозим. Лимончилик келгусида хўжалигимизда албатта равнақ топади. Фақат бир йилда бўладиган иш эмас. Ҳозир кўчат етиштиришни, ҳар ҳаридоргир, истиқболли лимон навларини кўпайтиряпмиз. Секин-аста уларни иссиқхоналарда ўстиришни йўлга қўямиз. Ўтган йили 30 тоннага яқин лимон етиштирдик. Насиб қилса, бу курсаткич кўпайиб бораверади», деди.

Биз ҳам унинг эзгу ишларига ишондик, ниятларига, режаларига парвозлар тиладик. Зеро иши, билгани сузи бир шундай тадбиркорлар бор экан, дастурхонимиз тўкин бўлиши шубҳасиз.

Каримжон РИХСИЕВ,
«Адолат» мухбири.

НАЗАРГА ТУШГАН ЙИГИТ

Назм

Йўлдош СУЛАЙМОН

СЎЗ БИЛАН ДИЛГА ЎТ ЁҚИШИНГНИ КУТДИМ

Кун бўйи яна сим қоқишингни кутдим,
Ҳаёллар бағрида оқишингни кутдим.
Сўз билан дилга ўт ёқишингни кутдим,
Фарғонадан менга боқишингни кутдим.

Телефон жаранглар худди куйга ўхшаб,
Сенинг ҳақингдаги ширин ўйга ўхшаб.
Ҳали овозингни эшитмасдан туриб,
Атрофим чарақлар катта тўйга ўхшаб!

Сўзинг томиримга жўш урган қон қўшди,
Сен билан бахтиёр онимга он қўшди.
Ҳайратдаман, яна каромат кўрсатиб,
Бўшашган Йўлдошнинг жонига жон қўшди.

СЕНГА КЎЗИ ТУШГАНЛАР

Сени кўпдан биларман, йўлим устида яшайсан,
На кимгадир сўзлайсан, на кўз қирин ташлайсан.
Юзларинг оқи оққа, қизили қизилга чўлғанди,
Узуну қора сочинг кўзим олдида тўлғанди.
Бемисоли сарв қаддинг яна ўзгача тўлгандир.
Сенга кўзи тушганлар, ахир бўлганча бўлгандир.

Кўз учида ним кулиб ўтган қарошингни кўриб,
Қалдирғоч қанотидай қайрилма қошингни кўриб,
Жон-жонимни олғувчи хиндуяш холингни кўриб
Унинг остида турган лаби болингни кўриб –
Хушим учди, эй, маҳваш, кўнглим ҳам бузилиб кетди,
Йўлдошнинг ичи-ичидан нимадир узилиб кетди.

АДАШМАСАНГ

Бобомлардан қолган бизга бари-бари маросим,
Тариқат ҳам, шариат ҳам ўшалардан меросим.
Инсонликнинг бу камоли мен интилган чуққидир,
Эй, идроким, энди унга етишнинг йўлин қидир.
Англаганим: иккисининг илдизи ягонадир,
Тариқат сўз сарбони, шариатим онадир.
Элу халққа тегдими, айт, сенинг бирорта нафинг,
Дилларга нур бўлолдими йўл-йўриғинг ё гапинг?
Ҳоли бўлса, жаҳолатдан, майда-чуйда гумондан,
Адашмаса диёнатдан, адашмаса имондан –
Ҳидоят нуридан чақнар ҳар бир банданинг кўзи,
Иншоллоҳ тавфиқ берар яратганимнинг ўзи!

«ҲАЁТ»НИНГ ЯНГИ КИТОБЛАРИ

Андижондаги «Ҳаёт» нашриёти ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида билим олаётган талабаларнинг ижод намуналари жамланган «Ҳурлиқ боғи» номли шеърий китобни нашрдан чиқарди.

Ушбу шеърий китоб вилоят ҳокимлиги, ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртлари бошқармаси ташаббуси ва ҳомийлигида чоп этилди. Беш минг нусхада босмадан чиққан мазкур китобга Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби Камчибек Кенжа сўзбоши ёзган.

Нашриёт директори Усмонжон Шукуровнинг таъкидлашича, бу китоб нашриёт томонидан китобхонлар ва шеърият мухлисларига ҳавола қилинган биринчи китоб эмас. Якунланаётган йилда нашриётда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг Андижоннинг буюк ўғлони Бобурнинг ўсмирлиги тасвирланган «Мардлик» номли тарихий асарини, Олимжон Холдорнинг янги шеърлари, «Осмон калити» номли қиссаси, бокс бўйича жаҳон чемпионлари Муҳаммадқодир Абдуллаев, Уткир Ҳайдаровлар ҳақидаги «Жаҳон чемпионлари» китоби ҳамда вилоятнинг истеъдодли шоир ва ёзувчиларининг китоблари нашр этилди.



Тошкент. Мир Араб мадрасасининг олд кўриниши.

Ниҳол

ЮРАГИДА ШЕЪРНИНГ ТАФТИ БОР

Шоирлик нимадан бошланади?
Шоирлик қачон бошланади?

Шоирлик – юракка тушган ўтдан бошланади. Шоирлик дард билан тўқнаш келганда бошланади.

Бу гўзал, қадимий, ҳамиша навқирон дунё юракка ҳайрат учқунларини солади. Бу учқун шеър мисраларига айланиб қоғозга кўчади. Жарангдор қофияларга айланади. Маҳзун хаёлларни экади дилга. Завқшавқ талқини бўлиб, сеҳрли сифатларга эврилиб мафтун этади кишини.

Тилла балиқ – ойбалдоқларинг
Зирагимга томчи нам бўлган, –

ёзади Барно синглимиз табиатдан илҳомланиб. Яна, кунгабоқар эгик бошимдир, деб таърифлайди. Гоят табиий, содда, чиройли ўхшатиш...

Барнохоннинг сатрларида куйинчак қалб, унинг атроф дунёдаги воқеа-ҳодисаларга муносабати, ишқ-муҳаббатнинг ўтли саволлари, изтироблари бор.

Шеърларида халқона оҳанг бор. Қофиялари чиннидай жаранглайди. У ўз фикрини дадил айтишга интилади. Бироз кўпсўзлиликдан, умумий баёнлардан қутулса, дурустгина шоира бўлади. Энг муҳими, унинг юрагида, ёзганларида шеър тафти бор!

Шеър ёзиш машаққати, муборак ташвишлар, ижод заҳматлари Сизга қувонч келтирсин, Барнохон!

Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоираси.

ЙИГИТ ВА ҚИЗ

Ишқ бор эди ўртада,
Юракларда пўртана,
Ғурур қилиб тантана,
Айрилишди жимгина.

Тўймас қараб пинҳона,
Ишқин санар дурдона,
Лек севса-да риндона
Айрилишди жимгина.

У ҳам эгмас бошини,
Бу ҳам эгмас бошини,
Яшириб кўз ёшини,
Айрилишди жимгина.

Билмам,қаён кетдилар,
Кимларни ёр этдилар,
Афсус, ғурур туфайли,
Ҳижрон йўлин тутдилар.

Тожмаҳалсиз Шоҳжаҳон
Ғариб-ғурабо, битта.

Худоёр жафосидан
Безган қиз Раъно битта.
Барчасига қайғуриб
Куйган қиз Барно битта.

БИТТА...

Совуқ ажал қошида
Шоҳ битта, гадо битта
Ўн саккиз минг оламни
Яратган худо битта.

Барча жабру жафолар
Гувоҳи само битта
Ҳар ошиққа муносиб
Яралган зебо битта.

Фироғида куйдириб
Ҳам куйган Лайло битта
Қоработир «севгисин»
Рад этган Зухро битта

Ширин учун жон берган
Фарҳоддек адо битта.

ТАБИАТ

Табиат, мен сендан яралдим,
Кунгабоқар эгик бошимдир,
Нур таратган кўёш-у ҳилол,
Қора кўзим ҳамда қошимдир.

Ёноғимда акс этган ол ранг,
Қизғалдоғинг ичра жам бўлган,
Тилла балиқ ойбалдоқларинг,
Зирагимга томчи нам бўлган.

Мажнунтолинг сунбула сочим,
Сарв дарахтинг алиф қоматим,
Қоқигулинг нозик дидимдир,
Райҳонларинг хушбўй ҳидимдир.

Ўзинг мусаввирсан табиат,
Чизибсан сен қош-у кўзимни,
Ўзинг сухандонсан табиат,
Тилга тухфа этдинг сўзимни.

Барно ЖУМАНОВА.

Олий таълим фидоийлари

ОПА

Ҳар бир соҳанинг истеъдодли вакиллари, масъулиятни бутун вужуди билан сезадиган, ишнинг кўзини биладиган кишилари бўлганидек, олий таълимнинг ҳам жонкуяр соҳиб ва соҳибалари бор. Ана шундайлардан бири – Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг ректори, техника фанлари доктори, профессор Ҳалима Алимовадир.

У ўзининг бутун онгли фаолиятини ёшларга билим беришга, улар онгига чуқур маънавий ва гўзал аҳлоқ фазилатларини сингдиришга ҳаракат қилди ва қиляпти.

Опа олий ўқув юртига хос мураккаб ўқув, илмий хўжалик ишлари билан банд бўлса-да, шахсан ўзи талабаларга ипак технологияси ва назарияси бўйича маърузалар ўқийди, ўнлаб шогирдларини эса илмнинг нозик, мураккаб, сермашаққат сўқмоқларидан янгиликлар, кашфиётлар сари дадил бошлаб бормоқда.

Опада эъзозлашга арзийдиган яна бир инсоний, ноёб ҳислат борки, бу унинг доимо изланишида, билимини такомиллаштиришга ҳаракат қилишидир. Шу сабабли ҳам Ҳалима Алимовани ҳали лабораторияда, ҳали кафедраларда, ҳали аудиторияда кўрасиз. Ҳурматли президентимиз Ислом Каримов сўзлари билан айтадиган бўлсак, «Ўқув жараёни ҳар биримиздан астойдил, бетиним, изчил меҳнат талаб этади».

Назаримизда тинмай изланадиган, янгиликлар топадиган ва уни халқ ва давлат манфаати йўлида сарф қилишга астойдил бел боғлаган кишигина ҳозирги шиддатли давримизнинг асл фидоийлари бўла олади. Опа шундай фидоий инсонлардандир. Олиманинг яна бир яхши ҳислати янгиликни тез илғаб олишдир. Ана шу фазилати туфайли у замон билан баравар қадам ташлайди. Ёш авлодни янада баркамол қилиш йўлларини излайди. Чунки баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи эканлигини жуда яхши тушунади.

Шу сабабли опа Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари тармоғини ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. Чунки Академик лицейлар ўқувчиларга танлаган йўналиш бўйича билимларини ошириш имкониятини берса, касб-ҳунар коллежлари касб-ҳунарнинг замонавий турларини эгаллашга ёрдам беради. Опа мамлакатимиз олий ўқув юртлари ичида биринчилардан бўлиб институт қошида Академик лицей ташкил қилганликлари ҳам фикримизнинг далилидир.

Қарийб 2 йилдан бери ишлаб турган ушбу Академик лицейни ҳозиргача 300 дан ортиқ ёшлар битирдилар. Уларнинг аксарияти мамлакатимиз олий ўқув юртларида таълим олишни давом эттиришмоқда.

Ҳалима Алимова раҳбарлик қилаётган институтда қилинган ибратли ишлардан яна бири аудитория, кафедра, лабораториялар янги замонавий ўқитиш қуроллари ва воситалари билан жиҳозланганлигидир. Талабаларга янги ўқув қўлланмалари, дарсликлари, ҳамда услубий руҳдаги маъруза матнлари, амалий машғулот учун керакли қўлланмалар етарли қилиб қўйилган.

Бу ерларда олинган билимни ёшлар «Талабалар уйи»да давом эттирадилар. Талабалар у ерда шунчаки вақт ўтказмайдилар, балки махсус хоналарда дарс тайёрлайдилар. Шунингдек «маънавий-маърифий тадбирлар» ҳам «Талабалар уйи»да амалга оширилади. Яъни институт етакчи ўқитувчилари билан очиқ мулоқот, катта олимлар билан учрашув, давлат ва жамоат арбоблари иштирокида давра суҳбатлари, саволжавоб кечалари ўтказилади.

Биз мақоламизда «Опа» деган сўзга алоҳида урғу беришга ҳаракат қилдик. Аслида бу сўзни биз у кишига бўлган ҳурмат, эъзоз маъносида ишлатмоқдамиз. Чунки опа ҳали ёш, айтиш мумкинки, ишлаб чарчамайдиган, навқирон ёшда. Бизнинг тилагимиз: опагагина хос бўлган табассум уларни узоқ йиллар тарк этмасин, ғайрат ва бағри кенглиги сўнмасин. Ёш авлодни тарбиялашдек эзгу, масъулиятли ишда опага ҳар доим омад ёр бўлсин.

Ўткир ҲАЙДАРОВ,
профессор.

● Ташаккур

АДОЛАТ ЮЗАГА ЧИҚДИ

Ҳурматли таҳририят! Фарзандимиз Диёржон Ботиров шу йил 23 февралда шифокорларнинг эътиборсизлиги оқибатида ҳаётдан кўз юмган эди. Мен уларнинг айбини исботлаш учун жуда кўп ташкилотларга мурожаат қилдим. Аммо фойдаси бўлмади.

Шундан сўнг сизларнинг газетангизга ариза ёзишга мажбур бўлдим. Адолат бор экан, мухбирингиз Ҳ. Рузиев келиб, масалани ўрганиб ҳақиқатни қарор топтирди. Мен ушбу ва янги аср бошида «Адолат» газетаси ходимларига соғлиқ-саломатлик, ишларида муваффақиятлар, ҳақиқатни қарор топтиришдек эзгу ишларида омад тилмайман.

Қурбонниёз ЎДАЕВ,
Муборак тумани,
«Муборак» жамоаси
хўжалиги.

— Йўлдан адашиб қолдим, Қорёғди маҳалласига қандай борса бўлади биродар?

А. ҲАКИМОВ чизган сурат.

Жиноят ва жазо

ҚОТИЛЛАР

Уларнинг боши бугун ҳам. Қариндошуруғлари, ота-онасига қандай тик боқсин бу кўзлар. Тунлари алла айтиб, бедор кечаларни бешик тепасида ўтказган мунис онаизорига не десин бу тиллар. Онанинг эса юраги йиғлаяпти. Дилини ўртайди бу дард, бу алам! Қотилнинг онаси деган иснодга қолди. Не қилса ҳам болада.

Суд зали. Она илтижоли кўзлари билан судьяларга боқади. Шу ўғлимнинг хатосини кечириб, енгилроқ жазо берсангиз. Аммо бу ўтинчларнинг инобатга олинишига умид йўқ. Ўғил қотил деган тавқи-лаънатни аллақачон бўйнига илган.

Рустамнинг бу қабоҳат йўлига киришига аввало балои нафси, ҳалол меҳнат қилишга бўйни ёр бермагани сабаб бўлди. 34 ёшга киргунча уч маротаба қамалиб чиқди. «Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас», деганларидек, бели оғримай роҳатда яшаш Рустамнинг оддий ҳаёт тарзига айланганди. Атрофига илгари судланган Баҳодир Саидов, куёви Қурбонбой Ямутов, сафдош дўсти Қурбонбой Холиқовларни йиғиб, ўзгаларнинг мол-мулкини ғайриқонуний эгаллашни мақсад қилиб, уюшган жиноий гуруҳ тузди, унга бевосита ўзи бошчилик қилди.

1999 йилнинг март ойида кечки пайт гуруҳ аъзоларини Рустам Урганч шаҳар Ҳонқа кўчасидаги ўзи ижарада яшаб турган уйга тўплади.

– Энди қўл қовуштириб ўтиришдан фойда йўқ, – деди Рустам. – Мен бир режа тузиб қўйдим. Агар ҳўп десанглар шу ишни амалга оширамиз.

– Қандай режа экан? – деди Баҳодир Саидов. – Наф чиқармикин?

– Наф чиқмаса мен сизларни бу ерга йигармидим. «Гуруч» операциясини ўтказамиз. Бир жойда, аниқроги тегирмонда 10 тоннага яқин гуруч бор. Улжани қандай қилиб бўлса ҳам қўлга киритиш лозим. Харидори мўл, ишни пухта қилиш лозим.

– Ҳаммаси хамирдан қил суғургандек бўлади, – деди ўзига хос ишонч билан Баҳодир Саидов. – Мижозлар ҳам бор, машинани «есть» қиламиз. Сиз фақат йўл-йўриқ кўрсатиб турсангиз бас.

Одам ҳаётда умид билан яшайди. Янгиариқлик Эгамберди Худойберганов ҳам гуруч сотиб тўй қилсам, деган мақсадда 6 тоннаю 500 килограмм шолини 70 сўмдан, жами 405 минг сумга сотиб олди. Уни не-не машаққатлар билан Янгиариқ тумани М. Маткаримов номли жамоа хўжалигида жойлашган «Отаназар бобо» хусусий тегирмонига олиб бориб оқлатди. Ундан 4 тонна 86 килограмм гуруч тушди. Шунча шолини гуруч қилишнинг ўзи бўлмайди. Оёқ-қўллари толгач кечаси уйига қайтди. Бироқ машина айтилган вақтда келмади. Гуручни олиб кетишни эртанги кунга қолдирди. Аммо... «Отаназар бобо» хусусий тегирмонига етиб келган жиноий гуруҳ ўзининг шум ниятини амалга оширишга киришди. Тегирмон эшиги бузиб очилди. Баҳодир Саидов, Қурбонбой Холиқов, Қурбонбой Ямутов, шунингдек, Ботир Вафоев, Олег Ильевлар биргаликда тегирмон қулфларини бузиб, ичкарига киришди. У ерда қопланган ҳолда турган фуқаро Эгамберди Худойбергановга тегишли жами баҳоси 615900 сўмлик 60 та қопдаги 4086 кг., Мурод Отаназаровга тегишли жами баҳоси 814000 сўмлик 80 та қопдаги 5400 кг., ҳаммаси бўлиб 1 миллион 435 минг 200 сўмлик гуруч турганди.

Машинага 101 қоп гуруч юкланди. Қоровулхонанинг эшиги болта билан яна маҳкамланиб қўйилди. Қоровулнинг бу ердан чиқиб кетишига асло имкон қолмаганди... Гуруч Рустам Рузимбетов ижарада турган Баҳодир Вафоевнинг уйига туширилди. Рустам Баҳодир Вафоевни ёнига чақирди.

– «Шеф» гуручларни қабул қилиб олинг.

– Бажонидил, – деди ялтоқланиб Баҳодир. – Ҳозироқ бир қоп гуручни сотинг. Пулига янги қоплар сотиб олинг. Бу ўғирликни милиция билмаслиги керак. Эгаси қопларни кўриб таниб қолиши аниқ.

Баҳодир ўзига қанча пул тегишини олдиндан мўлжаллаб қўйганди. Тезроқ уни қўлга киритиш илинжида Рустам айтганидек бир қоп гуручни пуллади. Эвазига янги қоплар сотиб олди.

Эртасига 41 қоп гуручни Рустам Рузимбетов «ГАЗ-53»га ортиб унинг ҳар килосини 125 сўмдан соттирди. Саидов Баҳодир 60 қоп гуручни сотди. Жиноий гуруҳ бошлиги Рустам 110 минг сўм пулни Баҳодир Саидовга, Қурбонбой Холиқовга 105 минг сўм, Олег Ильевга 25 минг, Баҳодир Вафоевнинг укаси Ботирга 75 минг сўм пул берди. Баҳодир Саидов ўғирлик эвазига келган пулга «Москвич» машинасини сотиб олди.

Ўғирлик тўғрисидаги хабар Янгиариқ тумани Ички ишлар бўлимига келиб тушди. Ўғирликни очиш бўйича бўлим ходимлари тезкор-тергов гуруҳини тузишди. Маълумотлар тўпланди. Ўнгидан келган ўғирлик жиноятчиларнинг иштаҳасини карнай қилиб юборганди. Баҳодир Саидов бир неча марта қамалиб чиққан ашаддий жиноятчи эди. «Гуруч» операциясидан кейин янада дадилроқ ҳаракат қила бошлади. Ўрмонда оч қолган бўридай ўлжа излай бошлади. Янгиариққа келиб кетавериб унинг «маълумот папкаси» ҳам бир мунча тўлганди. У ерда, бу ерда Ховон ҳақидаги бор гапни етказиш учун унинг ҳузурига ошиқди...

Хоразмда буюк полвонлар ўтган. Паҳлавон Маҳмуднинг шуҳрати дунёга танилган. Эгнига полвон чопонини кийиб, белига белбоғ боғлаб майдонга чиққан полвонлар уни ўзларига пир деб биладилар. Янгиариқлик Сотим полвон ҳам йигирма йиллар давомида эллар аро танилди, елкаси ерга тегмади. Хоразмда, Ўзбекистон, Туркманистон, қолаверса бутун собиқ иттифоқда машҳур бўлди. 12 марта кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони деб тан олинди. Замоннинг зайли билан у тадбиркорликка ҳам қўл урди.

Ёши етмишлардан ошиб қолган бўлсада, Сотим полвон ҳали анча тетик эди. Кейинги пайтларда нотаниш одамлар уйи атрофида ўралашиб юрганини сезсада бирон чора кўрмади. У ўзига ортиқ даражада ишонарди. Ҳали бир қўлимда икки-уч йигитни йиқитаман, менинг мулкимга журъат этиб кўз олайтирган кимса бу иқлимда топилмас, деб ўйларди. Гап куч-қудратда ҳам эмас. Инсоф юзасидан қараганда ҳам бу табаррук инсонга ким қўл кутаради, жонига қасд этади деб ҳеч ким ўйламасди. Ёвузлик ёвузликда. У на инсофни, на диёнатни, на қадр-қимматни билади.

Ҳар кимнинг ўз қисмат китоби бор. Сотим полвон кейинги пайтларда якка ўзи яшарди. Ўғли Идрисга иморат қуриб берди. У тез-тез отасидан хабар олиб турарди. Айниқса, Идриснинг ўғли Яҳё буваожонли эди. Гоҳи кунда бир икки марта буваожонисидан ҳол-аҳвол сўрар, хизматини қиларди. Идрис бир куни даладаги бўғдойнинг пайҳон қилинганини кўриб бироз ташвишланди. Бироқ ёмон ўйга бормади. Бирор мол-ҳол пайҳон қилган бўлса керак деб қўя қолди. Бунинг устига отаси турли гумон, тахминларни ёқтирмас, қўрқоқликни ёмон кўрарди. Сирасини айтганда, унга турли томондан ҳамла ҳам қилинган. Дангиллама иморат қурди. Бу шунчаки шон-шуҳрат, бойликни кўз-кўз қилиш учун қилинган эмасди. У кўп эллари кезди. Яхши-ёмонни кўрди. Уз юртида ҳам шинам иморатлар қурилишини орзу этди. Яхшилик ибрат деганларидек, бу ишини ўзи бошлади. Бошлади-ю балога қолди. Шуро ҳукумати иморатини тортиб олди. Йўқ, у молмулк учун эмас, адолат учун курашди, ҳақ жойида қарор топди, яна ўз мулкига эгалик қилди.

«Чомби» (Рустамни шундай деб аташарди) қўлидан ҳар қандай ёмонлик келувчи жиноий гуруҳ аъзоларини туплаб 10 июнь куни Сотим полвон Ибрагимовнинг уйига ўғирликка тушиш учун Янгиариқдаги «Остона» жамоа хўжалигига борди. Маълум бир сабабларга кўра ўғирлик қолдирилди. Сотим полвоннинг уйида меҳмон бор экан.

Улар 29 июнь куни яна йиғилишди. Ўғирлик 30 июндан 1 июлга ўтар кечаси амалга оширилиши лозимлигига келишилди. Жиноий гуруҳга онгли равишда жиноят содир этишга боришини билиб, яна бир киши қўшилди. У Баҳодир Саидовнинг укаси Шермат Саидов эди. Шермат онаси номидаги А 66-17 ХЭ рақамли «Москвич-412» русумли автомашинасида жиноятчиларни Сотим полвон Ибрагимовнинг уйига элтади. Рустам – «Чомби» дарвозани устига чиқиб, уйида ҳеч ким йўқлигини билгач, бошқаларни ҳам киришга чорлади. Бу пайт тунги соат 24.00 лар эди.

(Давоми 4-бетда).

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

ЯНГИ АВТОБУСЛАР

Самарқанд шаҳрида жамоат транспорти қатновини яхшилаш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш мақсадида муҳим ишга қўл урилди. Бу ерда «Самкўчавто» қўшма корхонасида тайёрланган 40 та янги автобус шаҳар йўловчилари хизматига чиқарилди.

Республика «Саноатқурилишбанк»и ажратган имтиёзли кредит асосида «Технософт» фирмаси томонидан харид қилинган бу ихчам, чиройли автобуслар шаҳардаги транспорт қатнови мураккаблашган 3, 6, 52-йўналишларда хизмат кўрсата бошлади. Йўлкира нархлари ҳам арзон. Муҳими, шу чоққача ушбу йўналишларда йўловчи ташиш билан танҳо шуғулланиб келган шахсий микроавтобуслар эгалари билан рақобат юзага келди.

Самарқанд шаҳри халқаро туризм марказига айланиб бораётганлигини эътиборга олиб, жамоат транспорти қатновини янада яхшилаш чоралари кўрилмоқда. Янги йилнинг биринчи чорагида яна ўнлаб янги автобуслар Регистон, Боғишамол, Темирйўл, Сартепа мавзелари оралиғида қатнайдиган бўлади.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
«Адолат» мухбири.

БОЗОРИ ОБОДНИНГ ЭЛИ ОБОД

«Хўжайлидеҳқонбозори» ва «Қўнғиротдеҳқонбозори» акциядорлик жамиятларида кўргазмали анжуман ўтказилиб, олиб борилаётган намунали ишлар, учраётган муаммоларга эътибор қаратилди. Янги йилдаги вазифалар белгилаб олинди.

Анжуман иштирокчилари дастлаб «Хўжайлидеҳқонбозори» акциядорлик жамиятида бўлиб, ишлар билан яқиндан танишдилар. Бу ерда 400 ўринли ёпиқ бозор қурилиши ишлари олиб борилмоқда. Қурилиш ишларига 100 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Замонавий бозорни шу йилнинг Наврўз байрамига ишга туширш режалаштирилмоқда. Бу ерда сотувчилар ҳамда харидорлар учун барча шароитлар мавжуд.

«Қўнғиротдеҳқонбозори» акциядорлик жамиятида ҳам бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Туман марказида қисқа муддатда битказилган 730 ўринли замонавий бозор халққа хизмат кўрсатмоқда. Бозор маъмурияти бозорни маҳсулотлар билан таъминлаш борасида тумандаги 85 нафар деҳқон-фермер хўжаликлари, хусусий тадбиркорлар билан шартнома тузишган. Яқин кунларда меҳмонхонани фойдаланишга топшириш, бозор атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш режалаштирилган.

Кўргазмали семинар иштирокчилари олиб борилаётган ишлар, бозорларда шароитларни яхшилаш ва ободонлаштириш бўйича ўзаро маслаҳатлашиб олдилар.

Қорақалпоғистон,
«Туркистон-пресс»

● Лўқма

ЯНГИ ЙИЛДА–ЯНГИЛИК!

Эшитмадим деманглар!.. Эшитмасдан қолмангар!.. Эшитганлар, тингланглар!

Қуйи Чирчиқ тумани солиқ инспекциясининг «Дўстобод» қўрғонидаги бозорда жойлашган солиқчилари Янги йилда ишлашнинг янги, «фойдали ва самарали» усулига ўтишмоқчи экан. Аммо улар учинчи минг йилликни кутиб утирмай, янги усулдаги фаолиятни анчагина олдин бошлаб юборишибди.

Қандай янгилик экан, дейсизми? Солиқчиларга ҳам, тижоратчиларга ҳам фойдали янгилик. Шу кунларда туман бозорида бўлсангиз озиқ-овқат маҳсулотлари сотувчиларнинг касса аппаратисиз ишлаётганининг гувоҳи бўласиз. Дўкончилардан сўрасангиз, солиқчилар рухсат берган, дейишади.

Шунингдек, солиқчилар бозорда савдо қилиш учун рухсатномаси бўлмаганларга ҳам бемалол шароит яратиб қўйишибди. Бағрилари кенгда! Қаранг!

Ҳурматли тижоратчилар! Янги йилдан бошлаб, Дўстоболддаги бозорда бемалол ҳужжатсиз ва касса аппаратисиз савдо қилиб, чўнтакни қаппайтиришингиз мумкин. Бунга туман солиқчилар кафолот беришади.

К. РИХСИЕВ.

Экология

ДУНЁНИ СУВ БОСАДИМИ?

XXI асрда бизни нималар кутмоқда? Ер сайёраси тақдири не бўлади? Бир гуруҳ келажакни башорат қилувчи мутахассислар Америкада чиқаётган «АиФ» журнали таҳририятида тўпланиб, шу масалаларни муҳокама қилишди.



ИССИҚХОНА (парник) сайёрамизни ўз таъсир доирасига олиб, ўзининг бир қадар қора ишларини қилиб улгурди. Сайёрамиз умумиқлими ўзгариб, ҳароратнинг ортиб бориши муқаррар бўлиб қолди. Агарда табиат муҳофазаси чора-тадбирларини зудлик билан амалга оширилмаса, шимолий қутб музларининг эриб бораётган сувлари келиб қўшилган Жаҳон океани фақат Венеция (Италия) шаҳринигина эмас, бус-бутун Голландия ҳам сув остида қолади. Шунингдек, барча қитъалардаги соҳил бўйида жойлашган вилоятларни ҳам сув босади.

ДАҲШАТЛИ КАСАЛЛИКЛАР. То сайёрамизда экологик муҳит мўътадиллашмас экан, янгидан-янги касалликлар кенг тарқалаверади, рак ва СПИДдан кўра ёмон офатлар инсониятга қирон келтириши мумкин. Аммо лекин, нафсиламбирини айтганда, олимларнинг башоратлари у қадар аянчли эмас, XXI аср одамларини яхши нарсалар ҳам кутмоқда.

ОЗИҚ–ОВҚАТ МАСАЛАСИ. Синтетик (ёғоч, нефтни қайта ишлашда олинадиган) егулик озуқаларга бўлган қизиқиш, афтидан тезда ўтиб кетади. Табиий, ирсият амалиётлар орқали етиштирилган ўсимликлардан тайёрланган тансиқ таомларга талаб ошади. Экспертларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, яқин орада картошканинг ўта ёғли навлари яратилади, уни мой ишлатмай қовуриш мумкин бўлади, америкаликлар севиб истеъмол қиладиган апельсин шарбати мевасидан эмас, тўғридан-тўғри шишада тайёрланади, яъни апельсин хўжайраси жуда ҳам катталаштириб, улкан колба ясалади. Ярим тайёр маҳсулотлардан таом ҳозирлаш учун уй бекалари кунига атиги 20 минутча вақт сарфлайдилар, холос.

ИНСОН УМРИНИ узайтириш учун организмнинг қарши жараёни махсус дорилар ёрдамида секинлаштирилади. 20-40 йилга келиб 65 яшар одамнинг куч-қуввати, рухияти ва бошқа томонлари жиҳатидан ҳозирги 45 яшар одамдан фарқи қолмайди. XXI аср ўрталарига бориб ўртача умр давомийлиги (албатта, экологик муаммолар бартараф этилса) 100 ёшга тенглашади.

Баъзи тиш кариеси (чириши) каби кўҳна касалликлар бутунлай йўқолиб кетади.

Гаройиб ҳодисалар

ЗОМБИ СИРИ ЕЧИЛГАНМИ?

1731 йили Франциянинг мустамлакаси бўлган Гантига ярим миллиондан ошиқ қора қуллар келтирилди. Бу қуллар орасида Африкадаги турли қабилалар сардорлари ҳамда энг кучли жодугарлар, сеҳргарлар ҳам бор эди. Бу одамлар ўз юртида ҳеч қандай қамоқхона, судларсиз эркин ҳаёт кечиришган. Яъни, цивилизация шарт-шароитлари уларга тўғри келмасди. Шунинг учун улар ерли ҳукмдорларни қўрқитиш мақсадида энг ноёб ҳодиса – зомби усулини ишлатдилар. Яъни улар кераксиз одамни тўсатдан ўлдиришарди. Уни ўзларининг урф-одатлари бўйича кўмишар эди. Бир неча кундан кейин ўлик қазиб олиниб, тирилтириш урф-одатларидан кейин у тирилар эди.

Шу пайтгача ҳам зомби сири ечилмаган, унинг сабаблари номаълум. Шу нарса маълумки ўладиган одам овқатига зомби кукуни сепилади ва у ҳаётдан кўз юмади. Бу ўлим табиий ўлимдан ҳеч қандай фарқ қилмайди. Кукуннинг таркибини тетродотоксин ташкил қилади. у табиатда энг кучли заҳарли модда ҳисобланади. Бу заҳар Кариб денгизида яшайдиган балиқлардан олинади. Олимларни ҳайрон қолдирадиган ҳодиса – бу одамнинг юраги тўхтаб, ҳеч қандай нафас олмасдан бир неча кун тупроқ остида ўлиб ётишидир.

Африкадан Гантига хабашлар келтирилгандан кейин, улар летергия–узоқ вақт уйқуга кетиш усулини бошладилар. Бу уйқу ҳеч қандай сабабсиз бир сониядаёқ содир бўлади. Машҳур АҚШ олими, шифокор Гарри Райт ўз кўзи билан кўриб турган шароитни шундай ҳикоя қилади: «Одамга қандайдир алкалоид (азотли органик бирикмалар) ичирилади, кейин у гипноз қилингандай қотиб қолади ва габдода ҳаёт нафасмунаси йўқ бўлади. Бир неча соатдан кейин ўлган одам ҳеч қандай дорисиз, қўлни ҳам тегизмай тирилди. Менинг ақлимга сиғмаган бу ҳодиса-воқеа кўз ўнгимда бўлгани учун ҳам инсоният табиатдаги кўп сирларни билмаслигини англадим.

Одамнинг зомби ҳолатини Африка хабашлари, жанубий Американинг Амазонка қирғоғида яшовчи ерли халқлар ихтиро қилмай, балки бундан уч минг йил илгари Ҳиндистон йоглари қўллашган. Улар ўзларининг нимага қодир эканликларини, айниқса, томошабинлар ичида намойиш қиладилар. Бу ерда ҳеч қандай кўзбўямачилик ва бошқа алдамчилик усуллари мутлоқ ишлатилмайди. Йоглар устида кўп йиллар илмий тадқиқотлар олиб борган олим Пирс Жировис шундай эслайди: «Кўз олдимда тўсатдан бир соня вақт ҳам бўлмай, ҳеч қандай дори ичмай бир киши ўлим ҳолатига келди. Унинг танасига ўрнатилган асбоблар экранида юрак уриш ритми тўғри чизиқни кўрсатарди, яъни, юрак тўхтаган эди. Мен таажжубга тушиб, лолу ҳайрон қолдим. Икки соатдан кейин йог ҳеч кимнинг ёрдамисиз ўзига келди ва асбоблар юрак урушини кўрсатиб турди. Экранда олдин узун чизиқ ва кейин қийшиқ паст-баланд чизиқлар пайдо бўлиб, секин-аста юрак уриш ритми нормал ҳолга келди.

Бизлар зомби ҳолатини кўпинча даҳшатли, қўрқинчли фильмлар орқали кўриб биламиз, ёки бўлмаса турли миш-мишлар эшитамиз. Олимларнинг бу соҳадаги фикрларига келсак, XVIII асрдаёқ Гантида тадқиқотлар олиб борган олим С. Гейлснинг фикрича, одамнинг зомби ҳолатида портал юрак ишламайди деган тахмин пайдо бўлди. Яъни, инсон ҳаётида учта ҳолат бўлади. Биринчиси уйқу, иккинчиси мудраш, учинчиси портал юрак ишлаганда ўлим ҳолатига келиш ҳоли. Одам ўлди, кислород йўқ, лекин портал юракка кислород керак эмас, чунки танадаги мушакларда қолган анаэроб гликолидан кўплаб соат энергия заҳирасини ишлатиш мумкин экан. Лекин жаҳон тиббиёт фани тажрибалар асосида тасдиқланган хулоса шуни кўрсатдики, одам ўлгандан кейин 8-15 дақиқа ўтгач, мия фаолияти, унинг миллиардлаб ҳужайралари ҳам сўниб боради. Бу эса одам тирилтирилганда ҳам фикрлаш қобилиятини секин-аста йўқотади, деган хулосадир.

Биз келажакда инсондаги учинчи ҳолатнинг сабабларини ўргансак, одамларни тўбдан оммавий соғломлаштиришга имкон туғилади.

Илҳом ШЕРМУҲАММАД.

Йўл тасодифларга тўла. Кўчалараро кезиб, теварак-атрофимиздан елдек учиб ўтаётган машиналарни кўриб, уларни бошқаришнинг ўзи бўлмаслигини дилдан ҳис этамиз. Йўл ҳаракати қоидаси – умримиз фойдаси эканлиги кўнглимиздан кечади. Зеро бу бор гап. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш нафақат ДАН ходимлари, балки ўзимизнинг ҳам юксак инсоний бурчимиздир. Бухоро шаҳри Давлат автомобиль назорати бўлинмаси мутахассислари айни пайтда аҳоли ўртасида бу борада катта тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Натижада йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ҳар хил бахтсиз ҳодисанинг олдини олиш юзасидан муайян натижаларга эришилмоқда.

СУРАТДА: Бухоро шаҳар ДАНБ маъмурий амалиёт катта нозири, милиция капитани Анвар Қораев, ИПХ катта нозири, милиция лейтенанти Ҳасан Авазов, суриштириш хизмати катта нозири, милиция катта лейтенанти Анвар Аҳмедов ўз хизмат бурчларини доимо сидқидилдан адо этишаяпти.

Эркин БОТИРОВ олган сурат.

ҲИКМАТ

● Турмушдаги муносабатларда дўстлар ва таниш-билишлар илтифотини қозонмоқ учун уларнинг сизга қилаётган хизматини ўзлари ўйлагандан кўра юксакроқ баҳолашимиз, аксинча, ўзимиз қилаётган ишларни эса дўстларимиз ва таниш-билишларимиз ўйлагандан кўра камроқ дея ҳисоблашимиз керак.

АФЛОТУН.

ЭЪЛОНЛАР

Юнусобод туманидаги «Азиз-Ҳакимов» хусусий фирмаси **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги «G'ALABA-ERKINLIK» масъулияти чекланган жамияти **ТУГАТИЛАДИ.**

Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Тел: 35-44-12.

Миср Араб Республикаси фуқароси Аҳмад Абдураҳим Иброҳим Аҳмад номига берилган паспорт йўқолган. Топиб олганлар паспортни Миср Араб Республикаси элчихонасига беришини еки 22-31-87; 22-52-01; 77-13-28; 77-34-43 телефонларига қўнғироқ қилишини сураймиз. Катта миқдорда суюнчиси бор.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Узбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 2 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгиладi:

Бунда 1 АҚШ доллари 325 сўм 00 тийин қилиб белгиланди.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Узбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши партиянинг фаол аъзоси, «Узбекнефтгаз» Давлат холдинг компанияси фан бошқармаси бош мутахассиси, техника фанлари доктори, профессор **Сайфулла ЗИЯВУТДИНОВИЧ МАҲСУДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва дўсти-биродарларига чуқур таъзия изҳор этади.

(Давоми. Боши 3-бетда).

Холиқов Қурбонбой дарвоза ортида ётган темир монтировкани қўлига олди. Рустам ва Баҳодир юзларига спорт кийимидан бўлак ниқобни, Қурбонбойлар эса аёллар пайпоғидан бўлган ниқобларни кийиб олишди. Жиноий гуруҳ раҳбари йўл бошлади. Айвончада Сотим аканинг бир ўзи ухлаб ётганди. «Чомби» уйга кириб кетаётганида Сотим ака «Кимсизлар, ким керак сизларга» дея ўрнидан турмоқчи бўлди. Қурбонбой Холиқов қўлидаги темир монтировка билан унинг бошига икки марта урди. Шундан кейин ҳаммалари биргалашиб, Сотим аканинг устига ташланишди. Сотим ака 70 ёшга кирган бўлса ҳам, ҳали бақувват эди. Эрталаб 15 километрга чопиб, беш вақт намозни канда қилмаган полвонлардан эди. Отахон соппа-соғ, жисмонан тетик бўлиб, 1996 йили Маккаи Мадинани зиёрат қилиб қайтганди. Даст туриб жиноятчилардан бирига ёпишди. Бироқ орқа миясга урилган зарба уни гангитиб қўйди. Жиноятчилар уни тепа бошлашди. Қўл, оёқларини иситгич қувурларга боғлашди. «Чомби» ерда қўл оёғи боғланган ҳолда ётган полвон отахоннинг устига миниб, «где золото, где деньги» дея бақирарди. Сотим ака, менинг пулларим йўқ ҳаммасига гуруч, асал сотиб олганман. Керак бўлса, ана ўшаларни олиб кетаверинг. Фақат мени тинч қўйинг деб илтижо қилди. «Чомби»нинг жаҳли баттар қўзиди. Отанинг дуч келган жойига тепишди. Чалажон полвонни қопга боғлаб, уни айвончадан судраб, ичкарига олиб киришди. Отахоннинг нафаси зурга кирибчиқиб хириллаб ётарди. Инсон қиёфасидаги маҳлуқлар уйни тинтув қилишга киришишди. Уйдан пул топиша олмади. 3 тоннадан зиёд гуруч, 150 флягада асал бор эди, холос. Сотим полвон алдамаганди. Жиноятчилар 14 дона ҳар хил гиламларини, 200 дона 500 сўмлик заёмни, қундуз телпак, ов милтиғи, 1 фляга асални уйдан олиб чиқишади. Улар полвоннинг уйи олдидаги кўприкка яқинлашганларида оқ «Жигули»ни кўриб, ўзларини панага олишади. Сал туриб келишилганидек, «Москвич»да Шермат Саидов келди. Шошилганидан 1 қопдаги 2 та гилам «Қора кўз» канали кўприги тагида қолиб кетади. Бошқа ўғирлик молларини ортишиб, Урганч томон йўл олишди.

Яҳё Ибрагимов ҳар доимгидек эрталаб, бувасидан хабар олиш учун уйига келганида дарвозанинг ланг очиқлигини кўриб ҳайрон бўлди. Ичкарига кириб, айвончадаги қон изларини кўргач, қўрқувдан қочиб, бор гапни отаси Идрис Ибрагимовга етказади. Идрис хотини Бикажонни олиб, уйига келиб, отасининг бу ёруғ оламдан кўз юмганини кўриб, оҳ уриб йиғлай бошлади.

...Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиги, милиция полковниги Турсунхон Худойберганов содир этилган жиноят тафсилотларини ўзича таҳлил қилар экан, бу иш нари-бери одамнинг қўлидан келмайди, уни пихини ёрган жиноятчилар амалга оширган деган хаёлга борди. Ички ишлар бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари, милиция полковниги Аминбой Бобожонов ва Янгиариқ тумани Ички ишлар бўлимининг ўша пайтдаги бошлиги, милиция майори Мадамин Очиловлар билан суҳбатлашгандан кейин тахминларнинг тўғрилигига амин бўлди. Тегишли кўрсатмалар берди. Уни фақат бир нарса ўйлантириб қўйди. Қотиллар нега бунча ваҳшийликка бордилар, нега улар кўприк остида из қолдириб кетдилар. Одатда ўғрилар ўзларидан кейин из қолдирмаслик учун барча чораларни кўрардилар. Иккидан бири ё улар нималандир чўчишган, ёки маст бўлишган.

Турсунхон Худойберганов бундай ўта оғир жиноятга биринчи бор дуч келаётгани йўқ. Шундай қараганда ҳеч иложсиз туюлган, бирор белгисиз қолмаган жиноятларни фош қилишга раҳбарлик этган. Аввало вақтни ўтказмаслик керак. Одатда жиноятчилар бир-икки кун панада бўлишади. Агар ўғирланган нарсаларни бир жойга беркитиб, ўзга ёқларга кетиб қолишса-чи? Бошлиқни ана шу савол ташвишга солди, жиноятни очиш бўйича ташкил этилган гуруҳга қўшимча топшириқлар берди. Зудлик билан муқаддам қамалган ва бугун ҳеч қаерда ишламайдиган кимсаларни аниқлаш ва ҳар бирини атрофлича тафтиш қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Янгиариқ тумани ички ишлар бўлимида қотиллик юзасидан тезкор тергов гуруҳи иш бошлади. Туман прокуратураси ушбу қотиллик бўйича жиноят ишини қўзғади. Бу пайтда жиноий гуруҳ аъзолари ўлжани бўлиб олишганди. Кимга заём, кимгадир гилам тегди. Рустам Рўзимбетов ов милтиғини ҳам ўзига олди...

– Муқаддам қамалиб чиққанлар билан алоҳида иш олиб боринг, Аминбой ака. Бундай жиноятни фақат ўшалардан кутиш мумкин, – деди Турсунхон Худойберганов. – Барча кучларни сафарбар этинг.

Бошқа тахминлар, гумонлар урганиб чиқилди. Вилоят Ички ишлар бошқармасининг тезкор вакиллари Шарифбой Юсупов, Улуғбек Избостиев, Шоназар Раҳимов, Тоҳир Отаниёзов кечаю кундуз жиноятни очиш бўйича иш олиб боришди. Қуни-қўшнилар билан суҳбат қилинди. Дастлаб қўшнилар ҳам бирон нарсадан чучишдими ёки бошқа сабабми милицияга бор ҳақиқатни айтишмади. Экспертлар «Қора-куз» каналида жиноят қуроли бўлмиш пичоқ, ниқобларни топиб олишди ва ниҳоят... дастлабки кўрсатмалар олина бошланди.

Жиноят изини яшириш учун жиноятчилар кўп ҳаракат қилишди. Босқинчилик оқибатида қўлга киритилган гиламларни танишларникига яширишди. Заём, пуллар ҳам ўзгалар уйида сақланди. Қундуз телпак 50 минг сўмга пулланди. Энг ачинарлиси, бу жиноят эканлигини ўша одамлар ҳам билишди. Ҳатто ўша қотиллар бировнинг жонини олиш эвазига келган асалдан тўйиб-тўйиб ейишди. Бол теккан бармоқларини уялмасдан ялашди. Ҳа, минг афсуски одамзотнинг пасти-паст бўлар экан.

– Биров қон йиғлаганда, биров жирканч бармоқларини сурса, бу қандай разолат, – дейди Идрис Ибрагимов. – Дунёда энг азиз одамимдан айрилиб қолдим. Бироқ милиция ходимлари ҳар дам менга мадад бериб туришди. Кеча-кундуз жиноятни очиш учун меҳнат қилишди. Очиги, илгари милиция ходимларининг бунчалик жонкуярлигини билмасдим.

Ўша машъум тунни ва бошқа заҳматли кунларни эсласам юрагим орқага тортади. Ҳар бир кўча, маҳалла, далани қадамба-қадам текшириб чиқишди. Қотиллик очилгунча ҳеч ким мижжа қоқмади. Қотилликнинг қайси куни эканлиги аниқ эсимда йўқ. Янгиариқ тумани ИИБ бошлиги, милиция майори Мадамин Очилов хонасига чақирди. Борсам, у ерда ИИБ ЖҚБ бошлиги, милиция подполковниги Ботир Мавлонов ҳам ўтирганди. Кўпни кўрган киши экан. Сиқилиб, ўзимни йўқотганимни кўриб, менга тасалли берди, кўнглимни кўтарди. Эртага отангизнинг қотилларини топамиз, – деди. Шу пайт унинг гапига фаришталар омин деган бўлса керак, эртасига жиноятчиларнинг асосийлари қўлга олинди.

Жиноятнинг очилишида Давлат автомобиль назорати ходимларининг ҳиссаси ҳам катта бўлди. Барча гумондор шахсларни улар тўхтатиб, текширишди. Вилоятда мавжуд бўлган барча «Москвич» айниқса, мовий ранглилари қайта-қайта кўздан кечирилди. Бир пайтлари Хоразмда «Москвич» миниш одат тусига кирганди. Ана энди уларнинг сони минг эмас, бир неча минглигини билсангиз, ишнинг нақадар қийин кечганлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Жиноятчилар қотиллик содир этилган уйга мовий ранг «Москвич»да келганлигини кўрган одамлар ҳам топилди. Фақат гувоҳ машинани олдинги икки рақамини эслаб қолган экан, холос. Жиноят-қидирув хизмати, давлат автомобиль назорати ходимлари ҳамкорликда ана шундай русумдаги барча машиналарни текшириб кўришди.

Баҳодир Саидов қотилликдан кейин машинани ҳайдаб бориб, ҳайдаб қайтган Шермат ва яна бир укасига ўйда турган оқ «Москвич» билан мовий ранг «Москвич»нинг эҳтиёт қисмларини алмаштириб ташлаш тўғрисида кўрсатма берди. Ака-укалар бирпасда айтилган ишни бажаришди. Милиция ходимлари уйни текшириб кўришганида мовий «Москвич»нинг фақат кузови қолганди, холос. Бир қарашда уни анчадан бери юрмай ётган машина деб ўйлайди киши. Шундай бўлди ҳам. Милиция ходимлари қандай келган бўлса шундай чиқиб кетишди. Бироқ Улуғбек Избостиевда барибир мовий «Москвич» гумон уйготди. Қўшнилар билан алоҳида гаплашишни режалаштирди. Эртасига Улуғбек кечки пайт Баҳодир Саидовнинг қўшнилари билан гаплашиб, «Москвич»нинг икки-уч кун олдин тинмай, ҳатто тунда юриб ҳаммани безор қилганликларини билиб олди. Баҳодир Саидов томоғидан илинди.

Тез орада Рустам Рўзимбетов ҳам қўлга олинди. Унинг қариндошлари у бериб қўйган туркман гиламини арзон-гаровга сотмоқчи бўлганида ҳаммаси кафтдагидек ойдин бўлди-қолди.

Экспертлар ҳам жасадни текшириш чоғида айрим хулосаларни чиқаришди. Марҳумнинг бошига тумтоқ нарса билан кўп бор урилган. Бу ҳам етмаганидек уни ётган жойида роса тепкилашган. Мушт, оёқ излари шундан далолат берарди. Ҳақиқатан қотиллар инсон боласига номуносиб ёвузликни амалга оширишади. Рустам Сотим акани ўлдиришда барча ҳунарини ишга солади.

Жиноятчиларнинг ҳаммаси кўп ўтмай қўлга олиндилар. Ички ишлар ходимлари қотилликни тез очиш учун қўлидан келган барча имкониятни ишга солишди.

Ҳудуд инспекторларига ҳам осон бўлмади. Хоразмда муқаддам жиноят содир этганлар қайта ва қайта текширувдан ўтказилди. Ана шундай текширувлар натижасида жиноятчилар Рустам Рўзимбетов, Баҳодир Саидов, Қурбонбой Холиқов, Қурбонбой Ямутовларнинг 30 июнь куни кечаси ўз уйида бўлмаганлиги аниқланди. Жиноятчиларнинг жинояти тўла очилиб, улар айбларига иқрор бўлдилар. Суд одил ҳукм чиқарди. Жиноятчилардан жиноят воситаси сифатида фойдаланилган «Москвич» давлат фойдасига хатланди. Шунингдек, Баҳодир Саидов гуруч ўғирлиги эвазига сотиб олган «Москвич» ва «Запорожец» автомашиналари ҳам мусодара қилинди. Жиноий гуруҳ аъзолари муқаддам судланган Рустам Рўзимбетов, Баҳодир Саидов, Қурбонбой Холиқов, Қурбонбой Ямутовларни энг олий жазога лойиқ деб топишди. Уларга тегишли мол-мулки мусодара қилинди.

Жиноят иштирокчиси, яъни, жиноятчиларни «Москвич»да олиб бориб, олиб келган Шермат Саидовга 16 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Баҳодир Вафоев 6 йилу 9 ойга, Олег Ильев (гуруч ўғирлигидаги КАМАЗ ҳайдовчиси) 9 йил озодликдан маҳрум этилди. Уларнинг мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилинди.

Ички ишлар идоралари ходимлари Хоразмда уюшган яна бир жиноий гуруҳ «фаолияти»га нуқта қўйишиб, уни таг-томири билан йўқ қилишди.

Мирза АБДУЛЛАЕВ.
Хоразм вилояти ИИБ Матбуот хизмати ходими.

ҚОТИЛЛАР

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Т.О.ДАМИНОВ, А. F. ҒУЛОММАҲМУДОВ, А. ЖЎРАБОЕВ, Р. З. АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Р. Р. ҲАЙДАРОВ, К. РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Д. К. ҚИРҒИЗБОЕВ (Бўлим мудири), Р. М. АЗИМОВ, Т. И. ЭРГАШЕВ, М. КАЛОНХОНОВ, А. МАМАЖОНОВ, Ў.Ф. ЖЎРАЕВ, Н. НУРМАТОВ.

Мулоқот учун телефонлар:
Қабулхона – 133-41-89.
Ижтимоий адолат ва ҳуқуқ бўлими–136-55-96.
Хатлар ва шикоятлар бўлими – 136-55-64.

Навбатчи – Илҳом СИДДИҚОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Буюртма Г— 2036, ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди.

Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар. Қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 1.

Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди 20.00.

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32.